O'zingni angla!

# HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

Chorshanba, 11-mart, 2009-yil • №11 (616) • 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan • e-mail: hurriyat@mail.ru • www.uzhurriyat.uz

## ЖИНОЯТГА ЕТАКЛАГАН "БИЗНЕС"



**"Клиент"нинг ўз оёғи билан келганидан хурсанд бўлган Турсунбой ваъдани катта қилади. "Алмати шаҳри яқинида қурилиш объекти бор, ўша ерда қурилиш ишларини бажариш керак, устага 500, ёрдамчиларига 300 АҚШ долларидан ойлик берилади, йўлкира ва бошқа харажатлар менинг ҳисобимдан" деганда Шаҳлонинг ҳам кўзи ўйнаб кетади.**

2-бет

## ИНСОН ВАҚТ ИСКАНЖАСИДА



**Вақтнинг тез ёки секин ўтиши ҳам жуда нисбий тушунча. Умр адоғида вақт жуда тез ўтаётгандек туюлади. Ёшликнинг жуда тез ўтиб кетганини фақат ўтиб кетгандан кейингина пайқаб қоламиз. Вақтдан унумли фойдаланганимиз сайин унинг қиммати ортиб бораверади. Вақт ҳаётнинг маъноси билан чамбарчас боғлиқ тушунча.**

4-бет

## МАШИНА ЮВАЁТГАН АЁЛ



**— Ёшлигимизда онамиз бўш қолдик дегунча ё кашта, ё дўппи тикишга ўргатарди. Ҳозир-чи? Қаранг, машина ювиш қизларнинг ишими? Бугун совуқ сувга қўлини тиқиб, касаллик орттирган қиз эртага соғлом болани дунёга келтиради, деб ким кафолат беради? Шу қизларга маҳалласида ёки ён-атрофида иш йўқ деб ўйлайсизми? Бор. Фақат қўли дарров пул кўришга ўрганган уларнинг. Соғликларини эса ўйлашмайди.**

8-бет

## ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

■ **6 март куни пойтахтимиздаги Туркистон саройида Халқаро Хотин-қизлар куни муносабати билан тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаев очди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон хотин-қизларига байрам табригини Президентнинг давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.**

■ "Ўзбекистон" нашриёт-матбаа ижодий уйи Президент Ислом Каримовнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" номли китобини нашрдан чиқарди.

Китоб икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисми "Жаҳон молиявий инқирозининг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири ҳамда унинг оқибатларини олдини олиш ва юмшатишга асос бўлган омиллар" деб номланган. Унда жаҳон молиявий инқирозини келтириб чиқарган сабаблар, унинг ҳозирги пайтда дунё миқёсида қандай кескин ижтимоий-иқтисодий муаммоларни туғдираётгани ва келгусида юз бериши мумкин бўлган оқибатлари ҳар томонлама чуқур таҳлил этилган.

Китобнинг иккинчи қисми "Банк тизимини қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник янгилаш ва диверсификация қилиш, инновацион технологияларни кенг жорий этиш – Ўзбекистон учун инқирозни бартараф этиш ва жаҳон бозорида янги марраларга чиқишнинг ишончли йўлидир" деб номланган. Унда қатор долзарб масалалар, шу жумладан иқтисодиётимизнинг жаҳон хўжалик ва молиявий-иқтисодий тизимига интеграциялашув жараёни тобора чуқурлашиб бораётганини инобатга олганда, жаҳон молиявий инқирози, аввало унинг оқибатлари Ўзбекистонга ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкинлиги ҳақида фикр юритилади.

■ **10 март куни Республика Марказий банки томонидан аҳоли турмуш фаровонлигини оширишда ипотека ва истеъмол кредитларининг аҳамияти мавзуида матбуот анжумани ташкил этилди.**

*Ўзбекистон Қаҳрамони, таниқли адабиётшунос олим Озод Шарафиддиновнинг 80 йиллигига*

# Сиз саботга тимсол эдингиз

*Тилдан тушмас*
*қадим ақида,*
*Соғинган дил*
*қоларкан сўлиб.*
*Соғинтирган одам ҳақида,*
*Кўп ўйлайсан,*
*кўзинг тўрт бўлиб.*
*Тузукмисиз, дея сўргани,*
*Кўклам келди*
*сизни кўргани.*

Аммо... Аммо сиз йўқсиз-да, Озод домла! Тўғриси, Сизни йўқ дейишга тилим бормайди. Яна-ям тўғриси, Сизни билган ҳамма-ҳамманинг бу сўзни айтишга тиллари бормайди.

Ҳа, Озод домла, кўклам Сизни кўргани келди... Кўклам еллари чарх уриб сизни изладилар, Сиз йўқсиз,..

Куртакларнинг кўзлари мошдек-мошдек очилиб, чор атрофга жовдираб боқдилар, Сиз йўқсиз!.. Мажнунтоллар сочларин ёйдилар!..

Сиз яхши кўрган, ардоқлаган шоир Муҳаммад Юсуфнинг «Кўкламойим, кўкингдан бер бир чимдим» сатри билан юракларга муҳрланган шеърини ўқиб, кўзингизга ёш қалққанини айтган эдингиз. Не тонгки, бугун кўкламнинг кўзида ёш, Озод домла. Осмоннинг юзи булутлардан бўшамай қолди. Булутларнинг булоқлари Момо ерни шунчалар соғинганмикан? Ёмғир эзгин-эзгин ёғмоқда, хўрланиб-хўрланиб ёғмоқда. Соғинч ёмғирлари... Қиёматга қолган дийдор томчилари.

*Турналарнинг тиловатида,*
*Ўрикларнинг гулида ёмғир.*
*Майсаларнинг саловатида,*
*Соғинганлар дилида ёмғир.*
*Қабрингиздан ғубор ювгани,*
*Кўклам келди сизни кўргани.*

Ҳа, Озод домла, кўклам Сизни кўргани қабрингиз қошига келди. Кўргани эса қабрингиз устидаги улуғвор ҳайкал бўлди. Ёмғир чайган юзларингизда худди саломат юрган пайтингиздек самимият балқиб турибди. Биз талабаларингиз Сизга узоқроқ тикилиб туришдан ийманардик.



Тўғриси, салобатингиз босарди. Ҳайкалдаги тийрак нигоҳингизга ҳам бир муддат қараб туриш мушкул. Гўё бу нигоҳларда ҳамон ҳикмат чўғланиб, адолат порлаб тургандек.

Сизга боқиб кўкламни англагани шу бўлдики, кўкламлар келаркан, кетаркан. Лекин Сиз каби ўз илму ҳикмати, ақлу заковати, иймон-эътиқоди билан ҳақиқат юзидаги ғуборни тозалаб яшаган инсонлар ҳақиқатнинг ўзи каби ўлмас бўларкан.

Ушбу битикни ўқиб кимлардир чимдим истеҳзо билан «шоир шоир-да, кўклам ҳам кўрарканми, кўклам ҳам англарканми», дейиши мумкин. Кўкламнинг-ку, кўрар кўзлари кўп. Улар Сизнинг тошларни титратганингизни, тўнкаларни тавбасига таянтирганингизни билмайди-да, домла!

Румий ҳазратлари «Аслинг каби кўрин, кўринганинг каби бўл!» деганлар. Сиз бу ҳикматга амал қилиб яшадингиз. Сизнинг дилингиз билан тилингиз ҳамиша бир бўлган. Ҳар ким ҳам ўзгарган эътиқодига, қилган хатоларига тик боқолмайди. Сиз ўз жисмингиздаги ярани ўз қўлларингиз билан ситиб ташлашга журъат қилолган матонатли инсонсиз.

Одамлар ҳаётда бахт излаб яшайди. Менинг наздимда Сиз бир умр матонат учун, миллат шаъни, адабиёт шаъни учун яшагансиз. Матонат Сизга ҳамиша эргашиб юрган десам хато бўлмас.

(Давоми 3-бетда.)

ТАНЛОВ ДАВОМ ЭТАДИ

## Журналистика соҳасида "ОЛТИН ҚАЛАМ" IV Миллий мукофоти



***Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази билан ҳамкорликда миллий ва халқаро журналистиканинг энг юксак ютуқларини кенг оммалаштириш, ОАВ ходимлари фуқаролик позицияларини намоён этишлари учун шароит яратиш ҳамда журналистларда танқидий фикрлашни ва ижодий фаолиятга янгича ёндашувларни шакллантириш мақсадида "Олтин қалам" IV Миллий мукофоти учун халқаро танловини ўтказади.***

*3 май — Жаҳон матбуоти эркинлиги кунига бағишланган бу танловга 2008 йилнинг 31 мартидан 2009 йилнинг 31 мартигача — бир йил давомида газета ва журналларда босилган, радио орқали эфирга узатилган ҳамда телевидениеда кўрсатилган ва интернет нашрларида берилган материаллар 2009 йилнинг 10 апрелигача қабул қилинади.*

***Танлов ғолиблари учун қуйидаги мукофотлар таъсис этилган:***

Журналистика соҳасида бош миллий мукофот. Ғолиб махсус диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони, статуеткаси ва Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланади.

***Асосий мукофотлар:***

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (телевидение – 1-, 2-, 3- ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (радио – 1-, 2-, 3- ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (даврий матбуот – 1-, 2-, 3- ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (Интернет-журналистика – 1-, 2-, 3- ўринлар).

**Биринчи ўрин**ни олган ғолиблар диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони, статуеткаси ва энг кам иш ҳақининг 160 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

**Иккинчи ўрин**ни олган ғолиблар диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони, статуеткаси ва энг кам иш ҳақининг 140 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

**Учинчи ўрин**ни олган ғолиблар диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони, статуеткаси ва энг кам иш ҳақининг 120 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

***Рағбатлантирувчи мукофотлар доирасидаги номинациялар:***

журналистика ривожига қўшган ҳиссаси учун;

фаол фуқаролик позицияси учун;

ижтимоий-сиёсий мавзудаги энг яхши таҳлилий материал учун;

ижтимоий-иқтисодий мавзудаги энг яхши таҳлилий материал учун;

"Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили"га бағишланган энг яхши материал учун;

маънавий-маърифий мавзудаги энг яхши материал учун;

ҳарбий-ватанпарварлик мавзуидаги энг яхши материал учун;

энг яхши журналистик текширув учун;

мураккаб шароитларда (фавқулодда вазиятлар, атроф-муҳит ва экология муаммолари) тайёрланган энг яхши репортаж учун;

энг яхши режиссёрлик иши учун;

энг яхши матбуот хизмати;

энг яхши фоторепортаж учун;

энг яхши карикатура учун;

чет эллик журналистнинг Ўзбекистон тўғрисидаги энг яхши материали учун.

(Давоми 2-бетда.)

ТАҲЛИЛ

# ОАВ: масъулиятсизликми ёки бепарволик?

**Оммавий ахборот воситаларининг эркин фаолият олиб бориши амалдаги қонунчилигимиз томонидан кафолатланган бўлиб, бу борада мамлакатимиз парламентида қонун ижодкорлиги билан шуғулланилмоқда. Шунингдек, қабул қилинган қонунлар ижросининг назорати бўйича ҳам доимий равишда мониторинг-назорат ишлари олиб борилаяпти. Хусусан, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 2008 йилги иш режасига кўра, Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасининг махсус ишчи гуруҳи томонидан «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Наманган ва Хоразм вилоятларидаги ижроси назорат-таҳлил тартибида ўрганилди ҳамда қўмитанинг йиғилишида атрофлича муҳокама этилди.**

Жумладан, Наманган вилоятида 53 та оммавий ахборот воситалари рўйхатдан ўтган. Айни пайтда уларда 170 дан зиёд ижодий ходим фаолият кўрсатмоқда. Вилоят ҳокимлиги томонидан оммавий ахборот воситаларини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга, матбуот нашрларининг кенг тарқалишига эришишга, шунингдек, республика ва маҳаллий газета-журналларга обунани ташкил этишга алоҳида эътибор қаратиб келинаяпти.

Вилоят ҳокимлигининг «Наманган ҳақиқати» ва «Наманганская правда», газеталари таҳририятлари муассис томонидан транспорт, компьютер техникаси билан таъминланган, босмахона ҳам шу бинода жойлашгани ишнинг янада самарали бўлишига имконият яратмоқда. «Диёнат» газетасида ҳам шундай қулай шароитлар яратилган.

Вилоят матбуот ва ахборот агентлиги ҳудудий бошқармаси томонидан Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг вилоят бўлими ва бевосита таҳририятлар билан биргаликда журналистлар, соҳа ходимларининг касб маҳоратини ошириш бўйича бир қатор тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

4 »

ДУНЁ СИЁСАТИ

# Дипломат чиқариб юборилди



Боливия президенти Эво Moралес АҚШ дипломати Франциско Мартинезни мамлакатдан чиқариб юбориш ҳақидаги фармонга имзо чекди. Президент элчининг иккинчи котибини "Боливия ҳукуматига қарши келишувда иштирок этганликда" айблади. Унинг таъкидлашича, Мартинез мухолифат билан доимий алоқада бўлган. Associated Press хабарида айтилишича, АҚШ ҳукумати бу баёнотни асоссиз деб баҳолаган.

Эслатиб ўтамиз, 2008 йилнинг сентябрида мухолифат билан алоқадорликда айбланиб, АҚШнинг элчиси Филипп Голдберг ҳам Боливиядан чиқариб юборилганди.

(Дунё сиёсатига оид хабарларнинг давоми бешинчи саҳифада) 5 »

ТААЖЖУБ

# Қарорини ўзи бажармаган раҳбар

## ёки Қамаши тумани ҳокимининг «кўнгилчанлиги» хусусида

Хабарингиз бор, мамлакатимизда фермер хўжаликларини йириклаштириш ишлари амалга оширилди. Албатта, бу — жуда яхши. Ер ҳақиқий эгасини топгани маъқул. Қўлидан иш келадиган, далани гуллатадиганлар ишласин. Лекин Қашқадарё вилоятининг Қамаши туманида бу масалага гоҳида бошқача ёндашилаётганлигини ҳам кўриш мумкин.

35,5 гектар ер майдонида фаолият олиб бораётган «Шаҳзод» фермер хўжалигига Қамаши тумани ҳокими фармойиши асосида ташкил этилган туман комиссиясининг хулосаси билан Гагарин маҳалла фуқаролар йиғини (МФЙ) ҳудудидаги 23-контурдан яна 21,48 гектар ер ажратилди. Комиссия бунда ушбу контурда шу пайтгача фермер хўжалигини юритган «Боймурод Сарбон ўғли Ҳасан» фермер хўжалигига нисбатан «Шаҳзод» фермер хўжалигининг кўрсаткичлари юқори экани, имконияти кенглиги ва ерга ижобий муносабати каби хусусиятларни инобатга олди. 2008 йил 24 ноябрь куни туман ҳокими Рашид Муҳаммадиевнинг Х-2389/2-сонли Гагарин МФЙ ҳудудидаги «Шаҳзод» фермер хўжалигига туман ҳокимлиги захира ер фонди ҳисобидан қўшимча ер майдони ажратиш тўғрисида»ги қарори чиқди. Ушбу қарор Гагарин массиви ҳудудидаги ерларга чиқарилган 67 та қарор билан бирга вилоят ҳокими томонидан 2009 йил 15 январда Х-23/I-сонли қарор асосида тасдиқланди.

Шундан сўнг, «Шаҳзод» фермер хўжалигига тайёрлов ва хизмат кўрсатиш корхоналари билан контрактация шартномалари тузишга рухсат этилди. Фермер хўжалиги барча хизмат кўрсатувчи ва тегишли идоралар билан шартнома тузишга ва ажратилган ерга эгалик қилишга киришди.

3 »

# Мангу силсила

**Игнанинг тешигидай булоқчалардан, ипдай-ипдай ирмоқлардан бошланган дарё умид билан денгизга интилади. Аммо, яхши ният – ярим мол... Чоҳ, чириган тўнгак, ҳиссиз харсанг шўх ирмоқча йўлини тўсиб ташлаши мумкин. Инсон умри ҳам ирмоқ, ариқ, дарёникига ўхшайди. Озод Шарафиддинов дарёдай жўшганича олтмиш йиллик машаққатли, мураккаб йўлни босиб ўтди. Истиқлол барча юртдошларимизга, жумладан, устозга туганмас куч, имконият берди. Бинобарин, Озод ака истиқлол моҳиятини чуқур англади, имкониятларидан унумли фойдаланди. Олтмиш йилда амалга оширмаган ишларни 10-15 йил ичида тўла-тўкис, юксак мақомда уддалади. "Жаҳон адабиёти" журналининг юзта сони, "Ижодни англаш бахти", "Довондаги ўйлар" китоблари, кўплаб таржималари, ватандошларига айтган безавол фикрлари Озод Шарафиддиновдан қолган бебаҳо бойлик, қадриятдир.**

Умрининг сўнгги ўн йилида устоз глобаллашувнинг иссиқ, совуқ нафасини ҳис қилиб яшади. "Нажот — ҳамкорликда", "Барселонада ўзбек патири", "Эътиқодимни нега ўзгартирдим?", "Виждон керакдир инсонга", "Мангулик шуъласи" сингари мақолаларида чайқалиб турган олам руҳи сезилди, жаҳоний тафаккур юксаклиги кўзга ташланди. "Мана, салкам ўн йилдирки, жонажон юртимиз кўксида Мустақиллик байроғи мағрур ҳилпирамоқда, — деб ёзган эди О. Шарафиддинов "Виждон керакдир инсонга" мақоласида. — Биз аллақачон мустақилликнинг буюк қудратини, меҳнаткаш халқ оммасига нималар беришини амалда кўриб турибмиз... Лекин мен шу йилларда фавқулодда муҳим бир соҳада ўзгаришлар қилина бошланганини алоҳида таъкидламоқчи эдим. Бу маънавият соҳасидир... Биз янги, демократик, адолат қарор топган жамият қурмоқдамиз. Бу жамият фақат халқ хўжалиги ривож топган фаровон жамиятгина бўлиб қолмай, виждон ва инсоф, иймон ва адолат каби умумбашарий қадриятлар тантана қилган жамият ҳам бўлмоғи керак". Озод домла Юртбошимизнинг глобаллашув жараёнида маънавиятнинг ўрни, аҳамияти ҳақида зарур ва теран фикрлар айтилган "Юксак маънавият – енгилмас куч" (2008), "Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш" (2009) асарларини кўрмадилар. Агарки, устоз ушбу асарларни ҳам ўқиганида эди, жуда-жуда қувонган бўларди. Негаки, ҳар икки китобда глобаллашув жараёнида маънавиятнинг ўрни, аҳамияти ҳақида зарур, теран ва бетакрор фикрлар айтилган.

Озод Шарафиддинов умр бўйи ёшлар билан бирга бўлди: таълим-тарбия берди, асарлар ёзди, таржималар қилди, давраларда тўлиб-тошиб сўзлади. Бошқача айтганда, устозлик О.Шарафиддиновнинг табиатига сингиб кетган эди. У устоз-шогирдлик фалсафасини чуқур англар, ўргатувчи масъулияти, ўрганувчи бурчини мукаммал биларди.

Маълумки, истиқлолдан кейин мангу силсила — устоз-шогирдлик муносабати тараққий этди. Юртбошимиз устозлар обрўсини кўтарди, шогирдлар учун лозим шароитларни яратиб бермоқда. Донишманд инсонлар устоз-шогирдлик муносабатларини ҳозирги замон талаблари билан бойитади, тўлдиради.

Аслида Озод Шарафиддинов устозлардан ёлчиган шогирд эди. У отасидан кўрмаган меҳрни, мардона муносабатларни Қ.Аҳмедов, С.Комилов, М.Содиқовдай мактаб ўқитувчиларидан, шоир Ҳасан Пўлатдан кўрди.

САГУ (ҳозирги ЎзМУ)-га киргач, ҳақиқий устоз-шогирдлик муносабатларининг гувоҳи бўлди. Ҳозирги Миллий университет қадимдан чин зиёли, миллатпарвар олимлар йиғилган муқаддас даргоҳ бўлган. Бу ерда устозу шогирдларнинг ёзилмаган қатъий қонуни бўларди. Аввало, устоз шахсий алам, дардларини зинҳор достон қилмас, минбардан фақат ҳақ гапни айтарди. Олимлик ва одамийлик — университетдаги устознинг юксак сифати бўлмоғи шарт эди.

Дорилфунунда дарс берган одам борки, олим, сиймо бўлавермаган. Илмий ходим ҳам мақолалар ёзади, изланишлар олиб боради. Талабаларга маъруза ўқиган, амалий машғулот олиб борганларнинг бари устоз саналмаган. Олим ва устоз — университетнинг таянчи, бетакрор ўзлиги, ўқитиш, таълим беришдаги безавол йўсин. Озод Шарафиддинов университетда ҳақиқий олимларни кўрди, чин устозларни топди. Шу кунларда "Домлалар" деган китоб ўқувчилар қўлига етиб борди. Унда Озод Шарафиддиновнинг бетакрор фазилатлари, одам танлашдаги тамойиллари, олимлик ва одамликни ўта нозик талқин қилгани кўзга ташланади. Унда йигирмата уста домланинг бетакрор хусусиятлари акс эттирилган. С.Қосимов, ака-ука Воҳидовлар, Н.Долимов, Ғ.Каримов, А.Саъдий, З.Мирҳожиев, К.Зелинский, М.Алавия, М.Қўшжонов, Т.Иброҳимовлар — тиниқ, ёрқин характерлар.

Синчков ёзувчи шу характерларни ҳаракатга келтириб зўр асар яратиши мумкин. Шўро замони ҳақиқий олимнинг ярқ этиб кўринишини қўлламаган. Ажойиб олимлар ўзларига "имидж" танлашга мажбур бўлганлар. Масалан, Солиҳ Қосимов ўзи ясаган ниқобга ишона бошлаган. Устозлар ҳар хил кишилар бўлишларидан, шахсий ҳаётларидаги йўқотиш, қийноқларидан қатъи назар олимлик моҳиятларига хиёнат қилмаганлар. Турсун Иброҳимов деган тилшунос аждаҳо комидан қайтган — ўлимга ҳукм этилган инсон эди. У қамоқдан қайтгач, САГУда тилшуносликдан дарс берган. Озод Шарафиддинов Т.Иброҳимовдаги энг нозик нуқтани бундай тасвирлайди: "Кам куларди, бироқ бирор муносабат билан жилмайиб қўйса, шунда ҳам кўзидаги мунг йўқолиб кетмас, табассуми ҳам алланечук ғарибона ва аянчли кўринарди".

"Юсуф Тоҳирий бағри кенг, талабалар билан ота-боладай муомала қиладиган инсон эди. Унинг дарсидан ҳеч ким хуноб бўлиб чиқмасди. Домладаги оҳанрабо талабаларни зумда ўзига тортиб оларди Мен ҳам Тоҳирий домла талабаси бўлганман. Бир куни домла аудиторияга пилдираб кириб келди. Дўмбоқ-дўмбоқ қўлларини кафедрага қўйди-да:

— Ўзвакнинг болалари, бир гап айтайми? — деди. Домла ҳангома бошламоқчи-ю, талаба қарши бўладими?

— Айтинг, домла. Эшитамиз, устоз.

— Мен композитор бўлсам, бир опера яратардим. Унга тож қилиб "Феруз" ашуласини кийдирардим. Ҳамма тинчиб қолди. Домланинг кўзидан ёш келди.

— Энди дарсни бошлаймиз, — деди домла.

Мана шундай улуғ инсон фирқавий идораларда ўзини йўқотиб қўйган. Айтадиган муҳим гапини унутган". Ҳа, "Домлалар" китобининг фазилатлари кўп. Ҳали бу асар, устоз ва шогирдлар ҳақида кўп гаплар айтилади.

"Домлалар"да О. Шарафиддинов У. Норматов, Н. Каримов, И.Ғафуров, Б. Қосимов, Н. Бобохўжаев, С. Содиқ ҳақида ғурур билан ёзган. Домла шогирдларини қанчалик эъзозласа, шогирдлар ҳам ҳамиша устоз ҳурматини жойига қўйдилар. Устоз ва шогирдлик — муқаддас, мангу ришта. Озод ака устоз-шогирдлик силсиласи давом этса, маънавият, инсонийлик, инсоф, эзгулик миллат фазилати бўлиб қолаверишига ишонарди.

**Абдуғафур РАСУЛОВ,**
**филология фанлари доктори.**

# Сиз саботга тимсол эдингиз



(Бошланиши 1-бетда.)

Шу боис бугун кўклам қошингизда кулиб турибди, домла. Сиз доимо табиатни севган, унинг гўзалликларининг қадрига етган, сир-синоатларини билишга интилган инсонсиз.

***Ҳақ сўз қушдек қилғуси парвоз,***
***Қанотига хуш ният қадаб.***
***Бошингизни кўтаринг, устоз,***
***Чимдимгина кўкни тутамлаб...***
***Бир ҳол сўраб, суҳбат қургани***
***Кўклам келди сизни кўргани.***

Устоз, 1970 йилдан бери Сизнинг сабоқларингизни, ўгитларингизни, дуоларингизни кўп бора олиш насиб этган менга. Эсласам арзигулик, ўзгаларга сабоқ бўлгулик чўғдек хотиралар бор кўнгил бисотимда. Нечундир ҳозир оқ қоғоз устида қайсар кўнглимнинг измидаман. Кўкламни хуш кўрган Озод домлани соғинган кўклам...

Кўкламнинг кўрки ҳеч қачон кўзларга сиғмаган. Кўклам мадҳига шоирлар топган ташбеҳу қиёслар доимо камлик қилган. Боиси, қорни ёриб чиққан бойчечак, ниш урган майса, кўз очган куртак, гўдак кулгуси янглиғ хушҳол жилмайган ғунчалар — бари-бари инсонни яшашга чорлайди. Кўкламнинг изида юз очган гуллар ёзда ҳайрат мевасига айланади. Кўклам ёзни, ёз кузни чорлаб яшайди. Қиш эса кутмаганингизда келиб қолади.

Кўкламнинг сўзи гўзаллик экан, ана шу гўзаллик бугун Сизни қутлуғ 80 ёшингиз билан муборакбод этаяпти. Агарда бугун Сиз ҳаёт бўлганингизда, Сиз учун энг чиройли совға — кўклам элчиси бир боғлам бойчечак бўларди. Гўзаллик асири бўлганингиз, гўзалликни қадрлай билганингиз учун Сизнинг туйғуларингиз тошқин, сўзларингиз кескир бўлган, ҳикматингиз хитоби ҳамиша нишонга теккан.

Одамлар бор, узоқроқ бемор бўлиб қолсалар Худони ҳам хушламай қўйишади. Сабр қилмайдилар, Яратганга шак келтирадилар. Назаримда, Сизнинг жисмингизда оғриқ оғриқ бўлгани учун, азоб азоб бўлгани учун табалар қилдилар. Беморликни иш билан тавбасига таянтирган Сиз каби жасорат эгасининг вафотига ишонгим келмайди. Сиз дардингизга шифони илму ҳикматдан, тоза тилаклардан ахтардингиз. Сизнинг малҳамингиз гўзаллик бўлди.

Сиз кўкламда кўкламни соғиниб, баҳор гулларини суқ назарлардан қизғаниб яшадингиз. Сизнинг тумориngiz поклик, Сизнинг туморингиз жасорат эди. Шунинг учун ҳам бугун кўклам саболари руҳингизга осойиш, ором тилаб Қибрайдаги ҳовлингизда чарх урмоқда, Чиғатойдаги қабрингиз бошида елмоқда.

Кўклам ҳар йили Сизни шундай қутлаб келади. Йиллар ўтади, Озод домла тўқсон, юз ёшга тўлади. Юзлар эса яна юзларни етаклаб келаверади. Миллат яшайди, адабиёт ўлмайди. Демак, рост сўзнинг, вафонинг Сиз каби куйчиларига ҳам ўлим йўқ. Сиз хазон бўлмас сўзнинг соҳибисиз. Сизнинг кўкламингиз эндигина 80 ёшга тўлибди. Бири-биридан гўзал кўкламларингиз ҳали олдинда, Озод домла. Сизнинг ўтли сўзларингиз ҳақиқат чироғи бўлиб порлайверади. Сизнинг адолатингиз кўклам гулларидек ҳар кўнгилда меҳр бўлиб қайта гуллайверади.

***Қалдирғочлар соғинч қушлари,***
***Уйингизда алёр айтади.***
***Боқса сиз йўқ, учиб хушлари***
***Қабрингизга бориб қайтади.***
***Мажнунтоллар сочин ўргани***
***Кўклам келди сизни кўргани.***

***Адолатнинг овозаси зўр,***
***Руҳингни ҳам юксакда тутгай.***
***Ким яшаса ҳақиқатга жўр***
***Эли оппоқ тилакда тутгай.***
***Гуллар сочиб, кулиб тургани***
***Кўклам келди сизни кўргани.***

***Маст айламиш***
***кўкламнинг кўрки,***
***Гул гулобин қонида асрар.***
***Адабиёт қутлуғ сўз мулки,***
***Жон тикканни шонида асрар.***
***Сабр дарсин сиздан сўргани***
***Кўклам келди сизни кўргани.***

**Маҳмуд ТОИР,**
**Ўзбекистон халқ шоири.**

## Таҳририятга хатлар

### ОИЛА ҚУВОНЧИ

Ўрта Чирчиқ туманидаги Қумовул қишлоғида яшовчи Эшонхўжаевлар оиласида уч эгизак дунёга келди. Ҳасанхўжа, Ҳусанхўжа ва Тоҳирхўжа деб исм қўйилган гўдаклар "Соғлом авлод" жамғармаси вилоят бўлими тиббиётчилари кўмагида бепул дори-дармонлар билан таъминланди.

**Ҳалим ҲАМИДЖОНОВ,**
**Тошкент вилояти.**

### ШУКРОНАЛИК

Бир ажиб кун эди... Эрта тонгдан қушлар чуғурлашган, хушбўй гулларнинг муаттар ҳидидан руҳим тетиклашган... Ўйладим, бугун бир ниҳолман, умидларим кўп, насиб эрта боғ бўламан, боғлигимга шукр айтдим. Бердилар мансаб-ишонч, оқладим баҳоли қудрат, шукр айтдим. Ҳур ўзбекнинг фарзандиман, ғурури осмон — орлигимга шукр айтдим... Кўксим тўлиб нафас олдим, бу дунёда борлигимга шукр айтдим... Кўнглим тўлмади... Ўйлаб-ўйлаб топдим... аста бориб аяжонимнинг тиззасига бош қўйиб, Аллоҳимга ҳамд айтдим: "Яратганига шукр..."

**Баҳодир МУСАЕВ,**
**Қашқадарё вилояти.**

### МАШИНАСИЗ ҚОЛАВЕРАМАНМИ?

Қўшним Азиз Бўтабоев йўқлигимда уйимга келиб, турмуш ўртоғимга ёлғон гапириб, "тўйга бориб келай" деганча, "Дамас" автомашинамни миниб кетади. Алдаганини кейин билиб қолдик. У бир нечта танишлари билан ноқонуний равишда Қирғизистон Республикасидан товар олиб ўтаётган пайтда қўлга тушади. Судда "Иосиф Молдавский Азиз Бўтабоевга давлат рақами 17F 8647 бўлган "Дамас" автомашинасини бошқариш ҳуқуқини берувчи ишончнома берган", деб нотўғри кўрсатма билдирилиб, жиноят содир этилишида 2 та "Дамас" автомашинаси иштирок этган бўлса ҳам, фақат менинг машинам давлат фойдасига мусодара қилинди.

Тергов ва суд жараёнларида мени бирон марта гувоҳ сифатида чақиришмади. Наҳотки, бир нечта жиноятчининг айби ҳамда судьяларнинг товламачи кимсаларнинг ёлғон кўрсатмаларига ишонишлари туфайли ҳеч бир жиноят қилмай туриб, яп-янги машинамдан айрилиб қолаверсам?

**Иосиф МОЛДАВСКИЙ,**
**Андижон шаҳри.**

### БУГУНГИ ЗИЁЛИНИНГ БУРЧИ

Олий маълумотли бўлиш ҳали тўлақонли зиёли дегани эмас менимча. Бугунги ривожланиш даврининг мактаби, ўрта ва олий таълим муассасалари бўлғуси мутахассисдан бошқа нарсани — юқори савия ва юксак маърифатлиликни талаб этмоқда.

Жаҳон ёзувчиларининг асарларини ўқимаган, ҳазрати Навоийни тушуна олмайдиган, Яссавий, Сўфи Оллоёр боболаримизнинг ҳикматларига тиши ўтмайдиган, ислом фалсафасидан бебаҳра кишини том маънода зиёли ҳисобласа бўлармикан?

**Турсунали ЮСУПОВ,**
**Фарғона вилояти.**

### ОНА ЮРТДАГИ СЕВИНЧ ЁШЛАРИ

Тошкент—Хўжайли йўналишидаги автобусда ҳамроҳим билан суҳбатлашиб келаяпмиз. "Қозоғистонда яшасак ҳам асли тўрткўлликмиз, — деди у гап бошлаб. — Ҳозир ҳам Тўрткўлга — тўйга кетаяпмиз. Акам ўғлини уйлантираяпти. Анави ўтирган кампир менинг онам. 97 ёшдалар. Келин-куёвга ўзим дуо-фотиҳа ўқишим керак деб туриб олдилар".

Манзилга етай деганимизда ёмғир ёға бошлади. Тўйга келаётганларни шоду хуррамлик билан кутиб олишди. Кекса онахонни автобус ойнагидан кузатдим: унинг юзидаги севинч ёшларини ёмғир томчилари ювarди, боиси табаррук ёшдаги кекса онахон ўзи туғилиб ўсган она тупроққа қадам босганди!

**Ёқуб ҒОЙИБОВ,**
**Қорақалпоғистон Республикаси.**

### ИМКОНИЯТ

***Ўтган йилнинг йигирманчи февралида аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлаш, нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш, мамлакат иқтисодиётини жадал ривожлантириш ва аҳолининг турмуш даражасини оширишни янада рағбатлантириш мақсадида Юртбошимизнинг "Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони қабул қилинган эди.***

# Аҳоли омонатлари кафолати

Мазкур ҳужжатга мувофиқ, 2008 йил 1 апрелдан 2009 йил 1 апрелгача бўлган вақт оралиғида жисмоний шахслар томонидан банклардаги депозит ҳисобварақларига қўйиладиган чекланмаган миқдордаги маблағлар манбалари декларация қилинмайди ҳамда солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан озод этилади. Унинг яна бир қулайлиги шундан иборатки, пул қўювчи жисмоний шахслар банклардаги депозит ҳисобварақларига қўйилган пул маблағларини ўзларининг хоҳишларига кўра ва чекловларсиз тасарруф этишлари мумкин. Пул маблағларининг келиб чиқиш манбалари қонунийлиги тўғрисидаги турли ҳужжатлар ва маълумотларни сўраш қатъиян тақиқланган.

Банк сири ҳисобланган маълумотларни ноқонуний ошкор этгани учун айбдор бўлган мансабдор шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка, ҳатто жиноий жавобгарликка тортилиши алоҳида қайд этилгани фуқароларда банкларга бўлган ишончнинг янада ортишига сабаб бўлмоқда.

**Р.НОСИРОВ,**
**Собир Раҳимов тумани ДСИ Валюта экспорт-импорт операцияларини назорат қилиш шўъбаси бошлиғи.**

# Қарорини ўзи бажармаган раҳбар

(Бошланиши 1-бетда.)

Аммо юқоридаги ишларни бажаришга киришган фермер хўжалиги олдида таажжубки, иккита муаммо пайдо бўлди.

Биринчиси, туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи Низом Мейлиев «Шаҳзод» фермер хўжалиги раҳбарига «Шартнома қилманглар, 23-контурдаги ерни аввалги эгасига қайтармоқчимиз, ҳоким айтаяпти», — деб огоҳлантирди. «Комиссия хулосаси-ю, ҳокимнинг қарори билан ўзларинг ерни бердиларинг. Бундан ташқари, туман ҳокими қарори вилоят ҳокими томонидан тасдиқланган бўлса, у ўзгартириладими?», — деган саволга Н.Мейлиев томонидан «Уёғини ҳоким билади, у кишининг шахсан топшириғи шу» деган жавоб бўлди.

Иккинчиси, «Боймурод Сарбон ўғли Ҳасан» фермер хўжалиги раҳбари ва аъзолари ўғит сепгани борган «Шаҳзод» фермер хўжалиги аъзосини «Бу ерга кирмайсан, яқинда ҳоким ерни бизга олиб беради», — деб калтаклайди, тан жароҳати етказади.

Натижада ерни биринчи олган фермерга туман ҳокими "қарорни ўзгартирмоқчи экани" айтилганидан сўнг ҳокимга мурожаат қилади. Туман ҳокими «юқоридан қўнғироқ бўлаяпти, олиб бермасам бўлмайди», — деган жавобни айтади. «Ноҳақ ишга аралашадиган, ноқонуний иш қил дейдиган кишилар бўлмаса керак юқорида», — дейилгандан сўнг «Бор, бор, ишлайвер», — деб жавоб қайтарилган. Лекин орадан 2 ҳафта ўтар-ўтмас, «Шаҳзод» фермер хўжалиги раҳбарини туман ҳокими Р.Муҳаммадиев чақириб, «Мен 23-контурдаги ерга «Боймурод Сарбон ўғли Ҳасан»га ҳам қарор чиқариб бердим, ҳар ёқдан телефон бўлиб жонимга тегди, хафа бўлмайсан. Бир ойдан сўнг яна қайтариб сенга олиб бераман», — деган гапни айтганига куласизми, куясизми?!

Ана холос!.. Агар у кишининг гаплари рост бўлса, туман ҳокимига телефон орқали босим ўтказаётганлар кимлар экан? Агарки, «Шаҳзод» фермер хўжалигига ҳам ер берилиши керак, деб қўнғироқ қилинса, юқоридаги каби «кўнгилчанлик» қилинармикин? Туман раҳбари «кўнгилчанлиги»нинг асл сабаби аслида нимада?

Шундай қилиб, бу ҳангомаманд гап-сўзлар ҳақиқатга айланди. 24 февраль куни ўша 23-контурдаги 22 гектарга яқин ерга туман ҳокимининг яна бир қарори чиқди. Х-96/2 сонли бу қарор юқоридаги ер майдонини "Боймурод Сарбон ўғли Ҳасан" фермер хўжалигига ажратиш тўғрисида эди.

Назаримизда, раҳбарда қатъият, ўзига ишонч, қонунларга ҳурмат бўлмаса унга хоҳлаган одам ўз ҳукмини ўтказиши мумкин экан. Энг ёмони, бошлиқнинг ҳар мақомга йўрғалаши кимларгадир асқотади, бундан кимлардир фойдаланади. Натижада унинг нуфузи халқ орасида тушиб кетади. Одамлар ичида ҳар хил миш-мишлар ҳам авж олади. Бунданам хавотирлиси, одамларда қонунга, раҳбарга ишончсизлик пайдо бўлади, туман ҳокимнинг обрўсига путур етади.

Афсуски, туман ҳокимининг қатъиятсизлиги натижасида иккала фермер ўртасида низо пайдо бўлиб, у ҳатто ўзаро келишмовчиликка олиб келган. Ваҳоланки, раҳбар одамлар ўртасида низоли вазият туғдириши эмас, балки бундай ҳолатларни бартараф қилиши керак эмасми? У ўз қарорини ҳадеб ўзгартираверса, «у бундай деяпти, бу бундай деяпти», — каби баҳоналар билан ҳужжатларни алмаштираверса, гаплари бир-бирига тўғри келмаса, бу — оддий фуқароларга салбий таъсир ўтказади. Бу бошқаларга ёмон ибрат, хавфли намуна бўлади.

Кишини ажаблантирган яна бир жиҳати шуки, туман ҳокими Р.Муҳаммадиев "Шаҳзод" фермер хўжалигига ер ажратиш тўғрисидаги қарорининг назоратини ўз зиммасида қолдирган эди. Ваҳоланки, бошқалар қолиб, энг аввало, ўз қарорини туман мутасаддисининг ўзи бажармади. Ҳокимнинг ўз қарорига нисбатан ҳурматсизлигини кўриб, билиб турганлар-чи? Уларда қабул қилинаётган ҳужжатлар салоҳиятига, сифатига қанақа ишонч бўлиши мумкин? Бу бизнингча, чиндан ҳам кишини ташвишлантирадиган, ўйлантирадиган ҳолат.

Кўриб турибсизки, бир ер майдонига иккита қарор пайдо бўлди. Лекин юқоридаги ҳолатни "кўнгилчанлик" деб ҳам изоҳлаш тўғри бўлармикан?

**Алиёр ТИЛЛАНОРОВ,**
**журналист.**

# ОАВ: масъулиятсизликми ёки бепарволик?

(Бошланиши 1-бетда.)

Таҳририятлар тегишли қонунлар ва қонун ости ҳужжатлари жамланган тўпламлар билан таъминланган. Уларни ўқиб- ўрганиш ва амалда қўллаш журналистларга, ижодий жамоага таҳририят фаолиятини қонун талаблари асосида ташкил этиш имконини бераётир.

Вилоятда оммавий ахборот воситаларини етук кадрлар билан таъминлаш доимий эътиборда. Лекин мазкур йўналишда ҳалигача ўз ечимини кутаётган муаммолар мавжудлиги Наманган, Фарғона, Андижондаги олий ўқув юртларидан бирида журналистлар тайёрловчи факультет очишни тақозо қилмоқда. Чунки айрим таҳририятларда ёш кадрларга жиддий эҳтиёж сезилмоқда. Масалан, «Наманган ҳақиқати» газетаси таҳририятида ижодий ходимларнинг салкам 60 фоизи нафақа ёшида бўлса, 12 фоизи 50 ёшдан юқорида. Бу масала мамлакатимизнинг барча ҳудудлари учун долзарб бўлиб, унга Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан бир неча бор эътибор қаратилганини алоҳида қайд этиш лозим. Хусусан, фонд томонидан икки йилдан бери амалга ошириб келинаётган етакчи газеталар таҳририятлари қошида "Журналистик маҳорат марказлари"ни ташкил этиш лойиҳаси мазмун-моҳияти билан ҳудудий таҳририятларнинг кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлашга қаратилган. Айни пайтда Нукус, Андижон, Қарши ва Самарқанд шаҳарларида фаолият олиб бораётган маҳорат марказларида шу вақтга қадар 300 дан ортиқ журналист ва журналистикага қизиққан ёш ижодкорлар ўз малакаларини оширганларини таъкидлаш ўринлидир.

Аммо Наманган вилоятидаги аксарият туман газеталари таҳририятлари фаолиятида кўплаб мураккаб ҳолатлар мавжудлиги кўзга ташланади. Жумладан, 2 та таҳририят ўз биносига эга эмас, 7 тасида автотранспорт воситаси йўқ, 3 таси газетани таҳририятнинг ўзида саҳифаламайди. 8 та таҳририят эса нашрни чоп этиш учун узоқ масофага қатнайди. Бу ҳолатлар муассисларнинг қонунда белгиланган вазифаларига жиддий ёндашмаётганликларини кўрсатди.

«Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги қонуннинг 11-моддаси талабларига зид равишда айрим нодавлат газеталари ўз Низомларида белгиланган мақсад ва вазифаларни тўлақонли амалга оширмаяптилар. Хусусан, «Аср» нашриёт уйи муассислигидаги «Ҳафта» газетаси Низомида республика ижтимоий-иқтисодий, маданий ҳаётига доир ахборотлар, маърифий мақолалар, бошқа нашрлардан таржималар бериб бориш назарда тутилган. Аммо газета мониторинг қилинганда юқоридаги мавзуларга етарли эътибор бермаётгани кўзга ташланди.

«Поп тонги» газетасининг муассиси ҳисобланган туман ҳокимлиги қонуннинг 14-моддасида белгиланган ўз мажбуриятларини бажармаган. Газета таҳририятининг солиқ ва бошқа тўловлардан ҳосил бўлган бир неча миллион сўмлик қарзи узилмай келинаётгани оқибатида нашрнинг ўз вақтида чиқмай қолиш ҳолатлари юз бермоқда.

Хоразм вилоятида бугунги кунда 26 та даврий нашр бўлиб, улардан 2 та вилоят, 1 та шаҳар, 10 та туман, 9 та тармоқ, 1 та нодавлат газетаси ҳамда 3 та тармоқ журнали ва ахборотномаси, шунингдек, 2 та телевидение, 1 та радио фаолият кўрсатмоқда. «Урганч оқшоми», «Хонқа ҳаёти», «Ҳаёт кўзгуси» ва «Янгиариқ овози» газеталари таҳририятлари муассисларга тегишли биноларга жойлаштирилган. Вилоят ҳамда бир қатор туман газеталари таҳририятлари ижара шартномаси асосида бошқа биноларда жойлашган. Автомашина «Хива тонги», «Боғот садоси» ҳамда вилоят прокуратурасининг «Муҳофаза» газетаси таҳририятларида мавжуд, холос.

«Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги қонуннинг вилоятдаги ижросини ўрганиш чоғида 19 та ҳолатда қонун моддаларининг бузилиши кузатилди. Бу асосан таҳририятлар томонидан нашр маълумотларининг тўлиқ кўрсатилмаслиги, Низом йўналишларидан чекинишлар, давлат рўйхатидан ўтиш шартларига риоя қилмаслик ва бошқа меъёрий кўринишларда мавжуд.

Вилоят нашрларининг қонуннинг 18-моддасида белгиланган талабларга риоя этиши юзасидан мониторинг ўтказилганда, 20 тадан 17 тасининг босма маълумотлари қонунга мувофиқ эмаслиги аниқланди. Масалан, «Ифтихор», «Иқтисод таянчи», «Хоразм ёшлари», «Оқ йўл», «Хоразм истеъдоди», «Хоразм фидокори», «Шовот истиқболи» ва бошқа нашрларда бундай маълумотлар тўлиқ кўрсатилмаган.

Қонуннинг 22-моддаси талабларига кўра, бундан аввал айнан бир хил ёки адаштириб юбориш даражасида ўхшаш номдаги оммавий ахборот воситаси рўйхатдан ўтказилган бўлса, нашрни давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш талаб этилади. Бироқ, ўрганиш жараёнида бир хил номдаги нашрлар — «Оқ йўл — Счастливого пути» газетаси ҳамда Хоразм вилоят ички ишлар бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси муассислигидаги «Оқ йўл» нашри фаолият юритаётгани таажжублидир.

Шунингдек, вилоят нодавлат «S-Иқбол» телевидениеси томонидан ўз Низомида белгиланган вазифалар тўлақонли адо этилмаяпти. Яъни фуқаролик жамияти барпо этилишида, омманинг ҳуқуқий маданияти ва онгини шакллантиришда фаол қатнашиш, янги қонун ҳужжатларига шарҳлар бериш, улар юзасидан тушунтириш ишларини олиб бориш, қонунбузарлик ва жиноятчиликка қарши курашиш вазифалари эътибордан умуман четда қолиб кетмоқда. Бу Ўзбекистон Республикаси «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонунининг 11-моддаси талаби бажарилмаяпти демакдир. Яна шуни ҳам таъкидлаш лозимки, унда «севаман», «куйдим», «жоним» қабилидаги қуруқ муҳаббат изҳорлари, шунингдек, «қизлар билан танишаман», «гўзал қизлар билан танишаман» каби SMS хабарлари эфирга узатилмоқда. Бу каби ҳолатлар мутасадди ташкилотлардан кўпроқ эътибор қаратишни талаб этади.

Вилоятда фаолият юритаётган радионинг эфир вақти жуда кам. Ҳафтанинг якшанба кунидан ташқари ҳар куни 1 соат 50 дақиқа давомида эшиттиришлар тарқатилади, холос.

Айрим ҳокимликлар томонидан таҳририят билан тузилган ўзаро шартномада белгиланган мажбуриятларнинг ижросига эътибор берилмаётгани ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда. Масалан, Урганч туман ҳокимлиги «Урганч ҳақиқати» газетасига эътиборини сусайтиргани сабабли газета бугунги кунда атиги 335 нусхада чоп этилмоқда. Моддий-техника базаси ночорлигидан таҳририятда ҳатто газета макетини тайёрлаш имкони йўқ.

«Урганч ҳақиқати», «Шовот истиқболи», «Ҳазораспнома», «Янгибозор кўзгуси», «Янгиариқ овози», «Ҳаёт кўзгуси», «Тужжор», «Оқ йўл», «Илм сарчашмалари», «Хонқа ҳаёти» каби газета ва журналларда ҳам шунга ўхшаш ҳолатларнинг гувоҳи бўлиш мумкин.

Нашрларда «Давлат тили ҳақида»ги қонун талабларига риоя этиш даражаси ҳам қониқарли эмас. Масалан, «Оқ йўл», «Боғот садоси», «Ҳаёт кўзгуси», «Шовот истиқболи» каби нашрларда шевага хос сўзларни қўллаш ҳамда кўплаб имло хатоларининг мавжудлигини кўриш мумкин. Шунингдек, аксарият туман газеталарининг саҳифаларидаги суратлар ва ёзувлар хира бўлгани учун газетхонлар таъбини бузаяпти. Вилоятдаги кўплаб ОАВ интернет тармоғига уланмаган ҳамда ўз веб-сайтига эга эмас.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Қўмита томонидан ўтказилган ҳисобот йиғилишида «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг айрим меъёрлари Наманган ва Хоразм вилоятларида етарли даражада ижро этилмаётгани қайд этилиб, аниқланган хато ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан вилоят ҳокимликларига ҳамда вилоят Матбуот ва ахборот агантлигининг ҳудудий бошқармаларига тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, соҳага оид қонунларнинг ижроси таҳлиллари бўйича ҳар чоракда бир марта мутахассислар иштирокида семинар ўтказиб бориш ва бошқа масалалар бўйича тавсиялар берилди.

**Анора БОБОМУРОДОВА,**
**Мажидхон УСМОНОВ,**
**Абдурашид ЖЎРАБОЕВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари.**

## Ҳудудий нашрларда

### ҚОВУН ҚОҚИ

**беморни ўн икки кунлик очликка дучор қилгани хусусида**

Наманган туманининг Ирвадон қишлоғидан 58 ёшли аёлни оғир аҳволда Наманган «Тиббиёт ва косметология" илмий ишлаб чиқариш ва даволаш марказига олиб келишди.

Бемор ўн икки кун туз тотмагани учун ниҳоятда ҳолдан тойганди. Врач эндоскопист аёлдан бунинг сабабини аранг билиб олди. Боиси овқатдан тортилган аянинг ҳатто сўзлашга ҳам мадори етмасди.

Хуллас, бемор бундан ўн икки кун муқаддам тишлари йўқлиги сабабли қовун қоқини чайнай олмасдан ютиб юбора қолган. Ана шундан кейин аёлнинг аввал қуюқ, кейинчалик суюқ овқатни ҳам истеъмол қилолмагани туфайли аҳволи оғирлашган. Шаҳардаги бир қатор шифохоналарда ана шу "ёт жисм"ни қизилўнгачдан олиб ташлашнинг иложи бўлмагач, мазкур даволаш марказига мурожаат қилишган.

— Бемор бахтига бизда етарли эндоскопик асбоб-анжомларнинг борлиги қўл келди. Тўрт-беш дақиқа ичида қизилўнгачга тиқилиб қолган қовун қоқи олиб ташланди. Орадан ўтган ўн икки кун ичида қоқи бўйига 10,5 сантиметр ва энига 3,5 сантиметр «ўсиб», курак тишларидан бошлаб қизилўнгачнинг пастки бўлимига қадар 25 сантиметр жойни эгаллаганди, — дейди марказ бош мутахассиси, олий тоифали врач Олимжон Мирабдуллаев. — Муолажалардан кейин бемор оиласига соғ-саломат ҳолда қайтди.

**Мўминжон СУЛАЙМОНОВ**
**"Тадбиркор"** *(Наманган),*
19.02.2009 йил.

### АФСОНА ҲАҚИДА

Афсона — халқ оғзаки ижоди маҳсули. У қисқа, аниқ ва лўнда бўлиб, кишининг тасаввур қобилиятини чархлайди. Шу жиҳатдан қараганда, у катта асарларни тез тушуна олишимиз учун пойдевор ҳисобланади. Афсона сўзи форс тилидан олинган бўлиб, уйдирма, тўқиб чиқариш деган маъноларни англатади. Уни эртакка ҳам ўхшатишади. Лекин афсона бошқа, эртак бошқа. Афсона мазмун-моҳиятининг ўрнак бўладиган томонлари билан эртак ва бошқа жанрлардан юқори туради. Эртакка ўхшаш томони шундаки, у ҳам оғиздан-оғизга ўтиб келади. Ушбу жанрда афсонавий отлар, девлар, париларни учратиш мумкин. Биз уларни тасаввур қиламиз. Лекин улар ҳаётда йўқ.

Бугунги кунда фантастик, шунингдек, қўрқинчли кинолар жуда кўп. Уларни томоша қилганимизда баъзан "жуда ошириб юборибди-да" деймиз. Лекин ўша кинолар ҳам қадимий афсоналарга асосланган.

Афсоналарнинг айтилиши ва ёзилиши бир хил эмас. Уларда халқ расм-русумлари, урф-одатлари ҳам ўз аксини топади. Афсоналарнинг аксарияти пайғамбарлар, авлиёлар ҳаётидаги воқеаларга асосланган.

**Умида ЎТЕПОВА**
**"Янги йўл"** *(Тошкент вилояти),*
20.02.2009 йил.

### ҚУШ УЯСИДА КЎРГАНИНИ ҚИЛАДИ

Аёл зоти нафосат, латофат сингари латиф ўхшатишларга муносибдир. Борингки, эркакларнинг машинаси, кийими, ишларини эгаллаш мумкиндир, аммо ўзини эркаксифат тутиш, сўкиниш, қўполлашиш, уялмаслик аёл учун гуноҳ. Баъзи мамлакатларда қиз болага гўдакликдаёқ ўғил туққан аёл сутини бериш, ўғил болага қиз туққан аёл сутини бериш тақиқланар экан. Чунки она сути орқали гўдакка феъл-атвор сингади. Биздаги туғуруқхоналарда собиқ иттифоқ даврида узоқ йиллар бунга эътиборсизлик билан қаралди. "Сут билан кирган жон билан чиқади", "Қуш уясида кўрганини қилади", деган гаплар халқимизнинг кўп йиллик кузатувлари асосида келиб чиққан. Бу ҳикматлар бежиз айтилмаган, албатта.

Оила — тарбияни ўзида жамлаган макондир. Болани эса оиладаги муҳит тарбиялайди. Айниқса, қизлар оналаридан андоза олишади. "Отаси яхши — биттаси яхши, онаси яхши — ҳаммаси яхши", дейдилар. Демак, бугунги аёл эртанги оила бекаларини ҳам тарбиялаётганини унутмаслиги керак.

**Кимёхон ЖАЛОЛОВА**
**"Андижоннома"** *(Андижон),*
25. 02. 2009 йил.

**Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди моддий кўмагида тайёрланди. Лойиҳа: «Демократик жамият қурилишида аҳолининг фуқаролик позициясини шакллантириш ва фуқароларнинг фаоллигини ошириш масалалари».**

# Инсон вақт

## (ЭССЕ)



Республика радиосида ишлаб юрган кунларимнинг бирида хизмат сафарига жўнадим. Авжи қиш палласи эди. Аэропортда самолётга чипта олиб, учиш эълон қилинишини кута бошладим. Радиодан учиш номаълум вақтга кечиктирилгани эълон қилинди. Қиш фаслида бу одатий ҳол бўлса-да, юрагим сиқилди. Кутишни ким ҳам ёқтиради. Вақтим беҳуда ўтишига ачиндим. Ёшликнинг, олтин давр ҳисобланмиш талабаликнинг нашъу намоси ва ташвиш-қувончларига андармон бўлиб, гоҳо шўхликларни меъёридан ошириб, жуда кўп вақтимни беҳуда ўтказганимни кечроқ англаб етган, энди ўша хатоларни такрорламасликка ўзимча аҳд қилиб қўйган эдим. Аммо ҳаётда кутилмаган ҳолатлар оёғимиздан чалади, режаларни чиппакка чиқаради. Андак тажанг бўлиб, иложсиз кута бошладим. Кутганда эса вақт жуда секин ўтади. Аксига олиб ўқийдиган бирон нарса олмаган эканман. Зерика бошладим. Вақт эса ўтаяпти... Ногоҳ хаёлимга мана шу кутиш лаҳзаларида бирон фойдали иш қилсам бўлмасмикин деган фикр келди. Этигимнинг тагчарми ейилган, тузатишга ҳафсала қилмай юрган эдим. Ҳозир айни фурсати. Муҳими — вақтим бекорга ўтмайди. Шоҳбекат ёнидаги косибга учраб, ишимни битириб келдим. Тахминан йигирма дақиқа вақтни юлиб қолганимдан ўзимча мамнун эдим.

Самолётнинг қачон учиши эса ҳали номаълум. Яна дилгир бўлиб кута бошладим. Шу лаҳза радиодан эълон янгради. Ҳарқалай, бу гал учиш икки ярим соатга қолдирилгани аниқ қилиб айтилди. Шунисига ҳам шукр қилдим. Мавҳумлик ёмон. Энди лоақал вақтни қандай ўтказиш ҳақида ўйлаш мумкин. Олдинда икки ярим соат вақт бор. Нима қилсам экан? Бунча вақтни бир жойда сиқилиб ўтириб беҳуда ўтказиш алам қилади. Унда...Ўйлай бошладим. Кутилмаганда хаёлимга яхши бир фикр урилди: шу маҳалгача Санъат музейини кўрмаганман. Зиёли, маданиятли одам учун бу яхши эмас. Ҳозир бориб кўриб келсам-чи? Аэропортдан унчалик узоқ эмас, автобусда ўн дақиқалик йўл. Муҳими — вақтим тежалади. Маданият вақтни тежашдан бошланади.

Ортиқ иккиланмай, музейга жўнадим. Қўпол ғилдиракларига занжир боғланган, музлаган катта йўлда имиллаб, кучаниб юраётган автобусда кетаётиб бетоқат бўламан: бунақада қачон музейга етаману қачон яна аэропортга қайтиб келаман? Музейга мўлжалдаги вақтдан анча кеч етиб бордим. Иттифоқо, у ерда катта бир тадбирнинг устидан чиқиб қолдим. Ҳаётдан бевақт кўз юмган машҳур рассом Шуҳрат Абдурашидовнинг шахсий кўргазмаси намойиш қилинаётган экан. Кўзойнакли кекса бир рассом қизил тасма олдида туриб нутқ сўзларди. У марҳум рассом она юрт табиати ва замондошларининг жонли сиймосини авлодларга мерос қилиб қолдиргани ҳақида гапирди. Қарсаклар янграб, тасма қирқилгач, томоша бошланди. Мен ҳам мухлислар оқимига қўшилдим. Бутун борлиғимни нафосатга, боқийликка дахлдорлик туйғуси тўлдирди, руҳимда ажиб бир кўтаринкилик туйдим. Худди шу бугун, шу соатда шу ерда бўлишим бутунлай тасодиф экани хаёлимга келмасди. Ажабо, бу рассом бор-йўғи йигирма саккиз йил умр кўрган экан. Мангулик олдида бу бир лаҳза, холос. Бир инсоннинг умрига нисбатан-чи? Одамзот ҳеч қачон қанча умр кўришини билмайди, буни тахмин ҳам қила олмайди. Унинг бахти ҳам, бахтсизлиги ҳам балки шундадир. Йигит ёшида ўлиб кетган даҳолар бор. Улар гўё қисқа умр кўришларини билгандек, ўзларига қисқа ҳаётлигидаёқ мангу ҳайкал қўйиб кетишган. Уларнинг ҳаёти билан ижоди ўртасида ғалати бир номутаносиблик, ажиб бир сир бордек туюлади.

Ўй-хаёлларим айқаш-уйқаш бўлиб кетди. Бир маҳал соатга қарадиму юрагим «шув» этди. Самолёт учишига бор-йўғи қирқ дақиқа вақт қолибди. Чиптани камида ярим соат олдин қайд қилдириш керак. Ҳовлиқиб пастга югурдим. Бекатда оёғи куйган товуқдек типирчилаб, дуч келган машинага қўл кўтарардим. Кошки, улардан бири тўхтаса денг. Аксига олиб шундай маҳалда вақт жуда шафқатсиз! Мана, самолёт учишига ўттиз етти дақиқа...ўттиз беш дақиқа қолаяпти. Соатим тўғри юраяптимикин деб ўтган-кетгандан вақтни сўраб қўяман. Қанийди, шу тобда бир мўъжиза юз берса-ю жамики соатлар ярим соат юрмай, тўхтаб қолса! Иложсиз дақиқаларда ғойибдан мадад кутишга ўрганиб қолганмиз. Афсуски, вақтни бир лаҳза бўлса-да тўхтатиб бўлмасди. Вақт ўжар эди. Беихтиёр соатни қулоғимга тутаман: аёвсиз чиқиллаяпти! Юрагим ҳам гўё соатга ҳамоҳанг, безовта дукиллаяпти.

Ниҳоят, таксига ўтириб, аэропортга етиб борганимда самолёт аллақачон учиб кетган эди... Ҳафсалам пир бўлиб, шалвираб, мажолсиз ўтириб қолдим. Содир бўлган воқеада қандайдир бир рамзий маъно бордек эди. Ажабо, мен вақтдан ўзиб кетмоқчимидим ёки уни измимга бўйсундирмоқчимидим — билмайман.Ҳарқалай, мен мумкин бўлмаган ишга — йўқолган вақтнинг ҳиссасини чиқариб олишга уринган эдим. Бунинг иложи йўқ экан. Беҳуда саъй-ҳаракатим учун жабрини тортиб ўтирибман. Мана, энди ҳаммасини қайтадан бошлашга, ортиқча вақт сарфлаш (чиптани кейинги рейсга расмийлаштириш, яна кутиш...)га тўғри келади. Яна ВАҚТ масаласи... Демак, вақт билан ўчакишиб бўлмас экан...

Ота-боболаримиз вақтнинг бебаҳо неъмат эканини («Вақт — ғанимат, ўтса — надомат», «Вақтинг кетди — нақдинг кетди», «Бугунги ишни эртага қўйма», «Дам бу дамдир, ўзга дамни дам дема») яхши англаганлар. Бу кўҳна ҳақиқатни авлодларга ҳам тинимсиз уқтирганлар.

Ўтган асрнинг олтмишинчи йилларида севимли шоиримиз Эркин Воҳидовнинг бошқа асарлари қатори ушбу соддагина, сермаъно шеъри ҳам машҳур эди:

*Бош тебратар соат кафгири,*
*Дер: қадримни билмас одамлар.*
*Секундларим гавҳар ҳар бири,*
*Нега парво қилмас одамлар?!*
*Бош тебратар соат кафгири,*
*Шошил одам, ўтмоқдадир он.*
*Ҳар нарсанинг бўлар охири,*
*Бош тебратиб қолма сўнг, инсон!*

Вақтнинг, фурсатнинг қадру қиммати ҳақида шеър ёзмаган шоир кам. Вақт муаммоси асрлар давомида фақат ижодкорларгина эмас, файласуф олимлар ва мутафаккирларнинг ҳам муттасил бошини қотирган.Икки минг йил муқаддам қадимги юнон файласуфи Сенека вақт ҳақида бундай ёзган: «Агар разм солиб қаралса, аксарият кишилар ҳаётининг кўп қисми бўлмағур ишларга, анчагинаси бекорчиликка, умрнинг яхлит ўзи эса — нокерак нарсаларга сарфланади».

Ажабо, узоқ ўтмиш қаъридан бизга таънадай янграган бу хитоб ҳалиҳамон долзарбдай туюлади... Тўғри, ўтган асрлар давомида вақт ҳақида илмий тадқиқотлар олиб борилди, вақтнинг табиати ҳақида жиддий ишлар қилинди, бўш вақт, жисмоний вақт, космик вақт каби тушунчаларга аниқлик киритилди, вақтдан тўғри фойдаланишни ўргатадиган мутахассис-психологлар пайдо бўлди. Шунга қарамай, барибир вақт масаласи ҳозир ҳар қачонгидан ҳам ўткир муаммо бўлиб турибди. Асосий муаммо — вақтнинг етишмаслиги!.. Тараққиёт имкониятлари бундоқ қараганда вақтни тежашга, ундан самарали фойдаланишга қаратилган. Инсоният аравадан поездга, метрога, ундан самолётга, космик кемаларга ўтди. Хатдан кўра тезкорроқ телеграмма, мобиль телефони, электрон почта, интернет алоқаси инсон хизматида. Илгари бир оғиз хабарни керакли манзилга етказиш учун чопарлар отда кунлаб, ойлаб йўл босишган. Йўлда турли хавф-хатарга, қароқчиларга йўлиқиб, ўлиб ҳам кетишган. Энди гугурт қутисидек қўл телефони орқали бир лаҳзада дунёнинг исталган нуқтаси билан гаплашиш мумкин. Бу чинакам мўъжиза! Шундай имконият, қулайликларга қарамай, барибир вақт танқис. Ҳамма вақт етмаётганидан шикоят қилади. Шоир лутф этганидек, «Фурсатинг етмайди доим, ҳеч қачон етган эмас». Вақт етмагани туфайли тўлақонли ҳаёт кечиролмаймиз, яқинларимизнинг ҳолидан хабар ололмаймиз, секин-аста «одамгарчиликдан чиқиб» қолганимизни ҳам сезмай қоламиз. Бундоқ қараганда инсон вақт исканжасига тушиб қолганга ўхшайди. ВАҚТ ахлоқий, маънавий муаммоларга ҳам дахлдор, жиддий масала бўлиб қолди.

Шу ўринда «Хўш, нима қилмоқ керак?» деган табиий савол туғилади. Бу саволга қисқа ва жўяли жавоб топиш осон эмас. Аниқроғи, бу масалани ҳар кимнинг ўзи ҳал қилиб олиши керак. Ҳаммага бирдай мос келадиган тайёр андоза йўқ. Яқин ва узоқ ўтмишда яшаган машҳур кишиларнинг ибратли ҳаёти бу масалага бирмунча аниқлик киритиши мумкин. Бундан кўп йиллар муқаддам атоқли рус ёзувчиси Даниил Гранининнинг «Бу ғаройиб ҳаёт» («Эта странная жизнь») деган китобини ўқиган эдим. Яқинда бу китобни яна бир карра, қизиқиш билан ўқиб чиқдим. Унда Александр Александрович Любищчев деган олимнинг ҳаёти ҳақида мароқли ҳикоя қилинади. Асосий мутахассислиги биолог бўлса-да, математика (математикани биологияга татбиқ этмоқчи бўлган — Ш.О.), фалсафа, генетика, эстетика, этика, тарих каби бошқа фанлар билан ҳам жиддий шуғулланган бу энциклопедист олим (бундай тоифа олимлар XX асрга келиб камайиб кетди — Ш.О.) ВАҚТ билан алоҳида, ўзига хос муносабат ўрната олган экан. У йигирма олти ёшидан бошлаб умрининг охиригача — эллик олти йил давомида муттасил, ҳар куни вақтини нималарга сарф қилганини эринмай ёзиб борган. Асосий ва қўшимча ишга, одамлар билан мулоқотга, китоб ўқиш, ҳар хил ёзишмаларга, маданий дам олиш, мусиқа тинглашга қанча вақт кетиши — ҳамма-ҳаммаси мукаммал ҳисоб-китоб қилиб борилган. Шундай иш усули унга қулай бўлган, шунга ўрганган. Натижада олим ҳамма нарсага вақт топа олган, истеъдодини тўла-тўкис намоён этган. Унда вақтнинг етишмай қолиши деган муаммо бўлмаган. Ижод қилиш, яратиш имконини бергани учун вақтни қадрлаган. Бир сўз билан айтганда, у ақл бовар қилмайдиган мўъжизага эришган – ВАҚТни ўз измига бўйсундира олган! Айни чоғда ҳаёт деган олий неъматнинг баъзилар ўйлаганидек қисқа нарса эмаслигини исботлаган. Йўқ, у дунёнинг нашъу наъмоларидан, ҳаёт неъматларидан ўзини тийиб, таркидунё қилган эмас, тўлақонли ҳаёт кечирган. Кино, театрларга борган, дўстлари, шогирдлари билан мулоқотда бўлган, табиат қўйнида сайр қилган, спорт билан шуғулланган, тўйиб ухлаган. Машғулотлар турини алмаштириш орқали дам олган. Вақти ўлчовли бўлишига қарамай, кўмак сўраб мурожаат қилувчиларга, ҳатто бегоналарга ҳам ҳамиша ёрдам қўлини чўзган. Любишчев гарчи ўз олдига қўйган асосий мақсадига тўла-тўкис эриша олмаган (муаллифнинг таъкидлашича, у бир одамнинг умри етмайдиган даражада, ниҳоятда улкан мақсадларни кўзлаган) бўлса-да, ибратли, мазмунли ҳаёт йўлини босиб ўтган.

«...унинг ҳаёти мисолида мен ногоҳ инсон ҳаёти нақадар самарали, улуғвор бўлиши мумкинлигини кўрдим ва бизнинг ВАҚТга муносабатимиз қанчалар нотўғри, уқувсиз эканини англаб қолдим» деб ёзади муаллиф ҳайрат билан.

Ҳаётда Любишчевга ўхшаган одамлар фақат ўзининг эмас, бошқаларнинг ҳам вақтини тежаган. Ҳақиқий зиёлига хос ички маданият, юксак маънавият шунга ундаган. Афсуски, биз ҳаётда ҳар куни, ҳар лаҳза бировларнинг вақтини ўғирлашдан ийманмайдиган сурбет кимсаларни учратамиз. Улардан қутулиш ҳам осон эмас.Шахсан ўзим шундай кимсалардан йироқроқ юришга ҳаракат қиламан. Республика газеталарининг бирида ишлаб юрган пайтларимда шундай бир эзма олим бор эди. Ўзи фидойи,жонкуяр, одамохун эди, аммо кўп гапирарди, яна айни иш қизиган пайтда келиб халақит берарди. Ахийри ундан қутулиш учун ноилож шундай хийла ўйлаб топганман. Ҳамхонам, шоира Муҳаббат Туробовага «Агар ўша олим келса, ҳол-аҳвол сўрашгач, сизга секин қараб қўяман, нарига хонага чиқиб мени бош муҳаррир чақираётганини айтиб телефон қиласиз», дея тайинлаб қўйдим. Ўйлаган режамиз яхшигина асқотган.

Ҳозирги глобаллашув асрида, ахборот технологиялари ривожланган, «Асрлар тақдири лаҳзаларда ҳал» (Ғафур Ғулом) бўлаётган даврда ҳар бир одам ВАҚТ билан муносабатини тўғри йўлга қўйиб олмаса, қийналиб қолиши турган гап. Гоҳо янги чиққан китоблар, кундалик матбуот нашрларини (илгари улар саноқли эди, эндиликда мингга яқин — Ш.О.) ўқиб чиқиш у ёқда турсин, шунчаки варақлаб чиқишга ҳам вақт етмайди. Ҳаётда муҳимдан номуҳимни ажратиб олиш жуда муҳим.Шунда вақт тежалади. Мен бир вақтлар тез ўқишни ўрганиш учун махсус китобларни топиб, озроқ шуғулланиб кўрганман.Иродам, сабр-тоқатим етишмадими, бу ишни охирига етказа олмадим. Қолаверса, ўқиш бошқа, уқиш бошқа.Тез ўқиш усулини бадиий адабиётга нисбатан қўллаб бўлмаса керак, дея иккиланганман. Ҳаётда кўпгина муаммоларнинг ечими барибир айланиб келиб ўзимизга, шахсиятимизга тақалади. Ўзимиз қандоқ бўлсак, тақдиримиз ҳам шундоқ бўлади.

Вақт етишмаслигидан муттасил нолийдиган кишилар аслида вақтдан унумли фойдаланишни билишмайди. «Ҳар доим вақтим йўқ дегувчилар аслида ҳеч нарса қилмайдилар» дейди немис мутафаккири Лихтенберг. Бир инсоннинг умри, агар ундан унумли, оқилона фойдаланилса, ҳар қандай улуғвор мақсадларни амалга ошириш учун етарлидир. Тарихда бунга мисоллар кўп. Шоир, шоҳ, мутафаккир Заҳириддин Муҳаммад Бобур бор-йўғи қирқ етти йил умр кўрган. Ундан улкан маданий мерос қолган, у асос сол-

# ФАОЛИЯТ

ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ

**Фарғонадаги "Тонг-96" хусусий корхонаси раҳбари Назирахон Усмонова билан танишувимиз қизиқ бўлди. Невараларим ўқийдиган 28-умумтаълим мактаби ўқитувчилари арз қилиб қолишди. Ўтган йили Назирахон раҳбарлик қилаётган жамоа бу ерда мукаммал таъмирлаш ишларини бажарган экан. Ҳамма нарса бинойидек, фақат иситиш тизими фаолияти кўнгилдагидек эмас, иситиш тармоқлари ўтган қувурлар туташтирилган жойдан сув томиб, ташвиш туғдираяпти, дейишди.**

**Биз бу ҳақда вилоят ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси раҳбари Қосимжон Исоқовни хабардор қилдик.**

— Аслида Назира Тоҳировна бошқараётган бу жамоа ишни ҳалол бажаришади, — деди у киши. — Уларга ишончимиз катта. Лекин сиз айтган мактабда шундай ҳол рўй берган бўлса, зудлик билан аниқлаб, тегишли чора кўрамиз.

Корхона директорини чақиртиришди. Ҳаракатлари эпчил-чаққон, сўзамол, истараси иссиқ, хушфеългина аёл экан.

— Хабарим бор, менгаям телефон қилишувди, — деди Назирахон. — Мутахассисларим кечадан бошлаб ўша ерда иш олиб боришаяпти. Бугун-эрта созлаб бўлишади...

— Кечирасиз, носозликнинг сабаби нимада экан, билсам бўладими? — сўрадим ундан.

— Бизга боғлиқ бўлмаган экан. Худо ишини ўнгласин, — уни қувватлади иккинчи бир қария.

Айни пайтда қурувчилар мукаммал таъмирлаётган ва қўшимча корпуслар бунёд этаётган яна бир объект — Данғара тумани марказидаги 23- умумтаълим мактабидаги ишлардан ҳам мамнун бўлдик.

Жамоа фаолияти фақат қурилишдан иборат эмас. Ҳозир вилоятда типавтоматика буюртмаларини фақат ушбу корхона амалга оширмоқда. Бу юмушлар сирасига назорат ўлчов жиҳозларини монтаж қилиш ва ишга тушириш, буғ қозонларини таъмирлаш ҳамда ўрнатиш киради.

Корхонанинг диққатга сазовор ишларидан яна бири водийда биринчи бўлиб соғлиқни сақлаш тизимидаги шифохоналарни



Маълум бўлишича, Назирахон нафақат олий маълумотли врач, олий маълумотли қурувчи муҳандис, балки бадиий ижодга ҳам мойиллиги бор экан. Ўзбек аёлининг манглайини мунаввар этган, унинг бунёдкорлик иқтидорини рўёбга чиқарган истиқлол ҳақидаги, она-Ватанга садоқат ва чинакам инсоний фазилатларни улуғловчи шеърлари билан ҳам қисман

# Яхши ном қолдириш — инсон учун бахт

объектив сабаблари бор экан. Бироқ, баҳона қидирмаймиз. Бундай пайтларда барча маъсулиятни ўз зиммамизга олишга ўрганганмиз.

Хулласи калом, тез муддатда муаммо бартараф этилди. Биз шу аснода, компания раҳбарияти тавсиясига кўра, "Тонг-96" корхонаси фаолияти билан атрофлича танишиб олдик. Ва пировардида, Назирахон Усмонова бошқараётган мазкур қурилиш-монтаж жамоасининг амалга ошираётган хайрли ишлари тўғрисида ҳикоя қилиш истаги туғилди.

Аввало, қурилиш-монтаж ишлари билан фаолият юритувчи хусусий корхонага бошлиқ аёл вилоятда ҳозирча битта, у ҳам бўлса, биз тилга олаётган Назирахон Усмонова экан.

Энг муҳими, бу жамоа фаолиятининг кўп қирралиги эди. Улар мактаблар ва болалар боғчалари, хуллас, мукаммал таъмир ёхуд реконструкция дастурига тушган яна бошқа объектларни ҳам бунёд этиш бўйича тендерда ғолиб чиқиб, ишни ҳалол ва маҳорат билан бажаришаркан.

Фарғона шаҳридаги Қариялар уйига йўлингиз тушиб қолгудек бўлса, қойилмақом қилиб мукаммал таъмирдан чиқарилган биноларни, дов-дарахтлар ва гулзорлар билан ўралган хиёбонлар ҳамда чиройли йўлакларни кўриб завқ-шавққа тўласиз.

— Қўллари дард кўрмасин, уста деганлари шундай бўлади, — дейди хиёбондаги ўриндиқда шахмат суриб ўтирган кексалардан бири.

— Бошлиғи Назирахон деган аёл тиббий кислород билан таъминлаш бўйича реконструкция ишларини амалга ошира бошладилар. Маълумки, оғир беморларга кези келганда, кислород ишлатилади. Бироқ бу кислород "Азот" корхонасида тайёрланаётган техник маҳсулот бўлиб, унинг тозалигига кафолат йўқ, албатта. Бу табиийки, беморлар ва айниқса, болалар организмида зарарли асорат қолдириши мумкин. Эндиликда бунга чек қўйилмоқда. Туғруқхоналар ва тез тиббий ёрдам марказларида кислород тизимини марказлаштириш, беморларга тиббий кислород етказиб бериш йўлга қўйила бошланди. Масалан, шу соҳага ихтисослаштирилган ва кислородни қайта ишлаш сертификатига эга бўлган "Классик" фирмаси соф тиббий кислород билан тўлғазилган баллонлар билан узлуксиз таъминлайди ва "Тонг"чилар томонидан келтирилган, монтаж қилинган, ўрнатилган махсус линия компрессорлар ҳамда флоуметр (кислород оқимини йўналтирувчи жиҳоз)лар орқали кислород зарур жойларга етарли микдорда етиб бормоқда.

Айни пайтда тадбиркор Назирахон Усмонованинг хусусий корхонаси вилоятдаги 19 та тиббиёт маркази билан ана шу йўналишдаги ишларни амалга ошириш учун шартнома тузган. Бу хайрли вазифани ҳам улар сидқидилдан амалга оширмоқдалар.

Булардан ташқари, жамоа қаерда иш бошласа, ўша жойнинг ўзида ўнлаб янги иш ўринлари яратилаётгани, маҳаллий ёшлар қўшимча касб-ҳунар орттираётгани ҳам қувонарли ҳолдир.

танишиб олдик.

Бир нарсага ажабландим: корхона етакчисининг аёл боши билан шунчалик кенг кўламли ишларни тиним билмай елиб-югуриб бажараётгани ва катта бир жамоани бошқариш, кўпчиликнинг хаёлига келмаган янгиликларни жорий қилиш, технологик жиҳозлаш сирларидан тортиб бинокорлик юмушларигача намоён этиш, элу юрт назарига тушиш — барчасига қандай қилиб улгурмоқда?

Назаримизда жавоб битта: ҳамма гап ўз вазифасига ҳурматда, меҳнатининг самарасидан завқлана олиш ва фахрлана билишдадир.

— Яхши яшашни, кўнгилдагидек умргузаронлик қилишни, ўз фарзандларининг иқболи ва орзу-ҳавасини кўришни ҳаммаям истайди, шундай эмасми? — дейман Назирахонга.

Албатта, ҳар бир инсон заҳмат-машаққат чекади, энг бебаҳо бойлик — Аллоҳ ато этган умрни аямай совуради. Бунинг учун заррача ачинмайди. Яхши меҳнат қилдим, дея бир кун ўзича таскин ҳам топади. Бироқ шунинг ўзигина инсоний бахт деган маънони бера олармикин?

Назирахон бир дам ўйга толдида, кейин босиқлик билан жавоб қайтарди:

— Онам ҳар гал дуога қўл очганларида: юрсанг из қолдир, болам. Чинакам инсоний бахт, яхши яшаш билангина ўлчанмайди. Изсиз яшаб, ном-нишонсиз ўтиб кетишдан худо асрасин. Мен онажонимнинг шу ўгитларига амал қилишга интиламан.

**Солиҳ ҚАҲҲОР,**
**"Hurriyat" мухбири.** ®

ИНТИЛИШ

# Сабрлининг иши юришар

**Қишнинг охирги кунлари бўлишига қарамай, Навоий шаҳрида қуёш чарақлаб турарди. Серқатнов йўлакда енгил қадамлар ташлаб келаётган хушсурат бир аёл кўринди. Ўрта бўйли, озғин қоматига ярашиқли либоси жуда ярашган, бошида рўмол. Нигоҳларида нафосат, зийраклик ва ҳаё яширинган бу инсонни бизга Мавжуда Йўлдошева деб таништиришди.**

Унинг мутахассислиги ҳисобчи. Суҳбатлашганимизда анчадан буён тадбиркор бўлишни орзу қилганини айтди. 4-5 йил илгари таваккал қилиб, иш бошлаган экан. Аввало "Бахт биллур" номли масъулияти чекланган жамият ҳужжатларини расмийлаштирди. Кейин ўзи билан ҳамкорлик қиладиган мижозларни қидириб топиб, уларга шартнома асосида маҳсулот етказиб турди. Улгуржи нархда қурилиш ва хўжалик моллари олиб келиб тарқатди. Бу соҳада тажрибасизлиги туфайли аввалига сарфлаган харажатларини қоплай олмаган пайтлари ҳам бўлди. Кейинчалик секин-аста даромад ола бошлади. Мавжуда бундоқ мулоҳаза қилса, ишлаб чиқаришда гап кўп экан. Тадбиркор аёл Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг Навоий шаҳри филиалидан кредит олди. Кўп ўтмай "AKFA" эшик ва ромлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун цех ташкил қилди. Цех яқинда тўла қувватда ишлай бошлади. Ўтган қисқа фурсатда 7-8 нафар ёшлар иш билан таъминланди.

— Интилган одам албатта, орзуларига эришади. Аввалига озроқ, кейинчалик кўпроқ, — дейди Мавжуда. — Англаганим шу бўлдики, сабр тадбиркорга энг асқотадиган хусусиятларнинг калити экан. Ишларимга тўғаноқ бўлишга уринганлар билан талашиб, тортишиб юрмадим. Уларга: «Илоҳим сенга кўп ва хўп берсин.Сенинг қаторингда менгаям берсин», дедим. Кўтаринки кайфиятлар билан ишларимни давом эттиравердим.

Мавжуда Хатирчидан келин бўлиб тушган кезлари ёш оиланинг рўзғорида қўлга илинадиган ҳеч нарсаси йўқ эди.Улар борига қаноат қилиб, ёмон яшашмади. Аммо тақдир экан,- оилавий ҳаёти у истагандек давом этмади. Бундан тушкунликка тушмай, олдинга интилди, ўзининг меҳнат билан овутди.

Олий ҳакам — вақт ҳаммасини жой-жойига қўйди. Онанинг жонкуярлиги, сабрлилиги боис, қизлари хушмуомала, билимли ва солиҳа бўлиб етишди. Каттаси Тошкент давлат иқтисодиёт дорилфунунига давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинди. Кенжаси ўтган йили ижодкор ёшларнинг "Келажак овози" республика танловида ғолиб бўлди. У либослар бўйича дизайнер бўлмоқчи. Ўз ижодий лойиҳасига асосан Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтига



ўқишга қабул қилинди.

— Худога шукрлар қиламан. Ўйлаган ниятларимга етаяпман. Омадли тадбиркорман. Муҳими, мен ниҳоятда бахтли онаман. Ҳаётдаги тиргакларим — қизларимнинг бахти биллурдан бўлсин, деган ниятда фирмамни "Бахт биллур" деб атадим. Бўлажак дизайнер қизим учун Навоий шаҳрида тикувчилик корхонаси ташкил этиш режаларим бор. Ўқиш, ишлаш, изланишларимиз учун ҳукуматимиз томонидан шунчалик шарт-шароитлар яратилаётганидан кучимга-куч қўшилади. Насиб қилса, ёшларимизнинг ҳаёти бизникидан-да, нурли бўлади.

# Ота дуосини олган аёл

***— Менинг ҳаётдаги тиргагим — отам эди. У киши биз — беш қиз, тўрт ўғилни тарбиялаб, ўқитиб, ҳунарли бўлишимиз учун бор кучини аямади,— дея гап бошлади Гулнора опа.— Отам дурадгор уста бўлган. Шу билан бирга рўзғордаги барча юмушлар: жиҳозларни бутлашми, қайта тиклашми, ямашми, ҳаммаси у кишининг қўлидан келарди. Биз фарзандларига ҳам шундай ишларни ўргатишга ҳаракат қиларди.***



Мен отамдан ўрганган айрим рўзғор ишларини аёл бўлишимга қарамай, ҳозир ҳам бажараман. Ўшанда биз Кармананинг бир ҳовли ғўр фарзандлари эдик. Йиллар ўтиб, ўзимиз ота-она бўлгач, фарзандлар тарбияси бошимизга тушганидан кейин англадикки, бир этак болани ёлғиз боши билан элга қўшган отам чинакамига жасорат кўрсатган экан.

Гулнора Жабборованинг мутахассислиги — инженер-технолог. У кўп йиллар ҳокимият тизимидаги ташкилотларда иқтисодчи бўлиб ишлади. 2003 йилдан буён Навоий вилоятининг маиший хизмат кўрсатиш нодавлат нотижорат жамоат бирлашмасини бошқаради. Мазкур жамоатчилик ташкилоти маиший хизмат кўрсатиш соҳаси вакиллари, мутахассис-у, раҳбарларнинг бошини қовуштириб, улар олдидаги муаммо ва камчиликларни биргаликда ҳал этишга ҳаракат қилади, фаолиятларини жамоатчилик асосида назорат қилади. Кундалик ҳаётимизда маиший хизматнинг ўрни беқиёс, албатта. Ҳозир вилоятнинг туман ва шаҳар марказларида қаёққа қараманг, бичиш-тикиш ательелари, суратга олиш, пардоз-андоз салонлари, сартарошхона, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохобчалари, автотураргоҳлар, қишлоқ аҳли учун тегирмонлар ишлаб турибди. Аҳолига пишиқ-пухта, тезкор ва сифатли маиший хизмат кўрсатиш мақсадида хориждан энг замонавий технологиялар олиб келинмоқда.

— Қишлоқларимизда бу соҳанинг секин ривожланаётгани ҳаммага маълум. Буни яхши йўлга қўйиш, аввало, тадбиркорларнинг интилишларига боғлиқ деб ўйлайман,— дейди Г.Жабборова. — Қолаверса, аҳолига сифатли ва унумли маиший хизмат кўрсатиш учун биз ҳам ҳаракат қилаяпмиз. Вилоятимизнинг шаҳар ва қишлоқларидаги бир гуруҳ тадбиркор ва юридик шахсларга 3 миллиондан 15 миллион сўмгача имтиёзли кредитлар олишда кўмаклашдик. Тадбиркорларнинг қулай жойлар билан таъминланишига бош-қош бўлаяпмиз. Ёшларимиз учун миллий матолардан замонавий русумдаги либослар тикишни йўлга қўймоқдамиз. Ишларимиз юришаётган бўлса-да, лекин булардан ҳали кўнглим тўлмайди. Масалан, қўшни Бухоро вилоятида бу борада ишлар яхши. Вилоят жамоатчилик бирлашмасининг туманлардаги бўлимлари ташкил этилган. Улар ўз ҳудудларидаги тадбиркорларни ходим сифатида қабул қилади. Ходимлар бу ердан маош оладилар, уларнинг меҳнат стажлари қайд этилади. Шунингдек, жамоатчилик бирлашмасининг туман бўлимлари ўз тадбиркорларининг маиший хизмат кўрсатиш жойларини замонавий жиҳозлар билан таъминлашда, уларни реконструкция қилишда ёрдам берадилар. Қўшни ҳамкасбларимиз яратаётган шарт-шароитларга менинг ҳавасим келади. Бу ишларни уларга кимдир четдан келиб, тайёрлаб бермаган, албатта. Ҳамма ютуқларга ўзлари эришишган. Шуни ҳам эътиборга олиш лозимки, Бухоро — азалдан уста-ҳунармандлар шаҳри. Навоий эса кенжа вилоятлардан бири. Шу боис соҳамизни юқори даражага кўтариш ва яхши кўрсаткичларга эришиш учун ҳали бироз тер тўкишимизга тўғри келади. Яқин йиллар ичида вилоятимиз аҳли намунали, ривожланган маиший хизмат кўрсатиш сервисидан баҳраманд бўлишига астойдил ишонаман,— дейди Г.Жабборова.

Тиниб-тинчимас Гулнора опа кўзлаган манзили сари оғишмай қадам ташлайдиганлар тоифасидан. У ғайрат ва шижоат отини бироз қамчиласа, жонкуярлиги, тиришқоқлиги жиҳатидан отасидан қолишмайдиган бўлади. Чунки унинг яқин кўмакчилари — турмуш ўртоғи, фарзандлари бор.

**Мамлакат НОРМУРОДОВА,**
**«Hurriyat» мухбири.** ®

МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

BANK
XALQ BANKI

# Тараққиёт учун ишончли ҳамкор

— Уй-жой қуриш учун қўшимча маблағ зурур бўлиб қолганди, — дея сўз бошлади ғиждувонлик Руслан Ширинов. — Яқинда ошна-оғайниларнинг маслаҳати билан Давлат-акциядорлик тижорат "Халқ банки"нинг туман бўлимига керакли ҳужжатларни топшириб, 15 йил муддатга 40 миллион сўмлик ипотека кредитини олдим. Худо хоҳласа, яқин орада янги уйга кўчиб ўтамиз.

Ҳа, "Ёшлар йили" деб номланган ўтган йилда кўплаб ёш оилалар худди Руслан каби имтиёзли кредитлар олиб, янги уй-жойларга кўчиб ўтишди. Бу борада "Халқ банки" Ғиждувон туман филиалининг ҳам ҳиссаси бор. Бундан ташқари, банк филиали томонидан пахта етиштирувчи 29 та фермер хўжалигига 320 миллион сўмга яқин, ишлаб чиқаришни ривожлантиришни режалаштирган тадбиркорларга эса 380 миллион сўмдан зиёд имтиёзли кредитлар ажратилгани қувонарли ҳол.

Аҳолига қулайликлар яратиш мақсадида "Вестерн Юнион" ва "Контакт" халқаро пул ўтказмалари жорий этилди. Филиалнинг 16 та шохобчасида аҳолидан электр энергияси ва табиий газ ҳақини қабул қилувчи бўлимлар фаолият кўрсатмоқда. Мазкур бўлимлар орқали ўтган йилда аҳолидан 520 миллион сўмга яқин коммунал тўловлар қабул қилинди.

Аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини жалб этиш мақсадида бир қатор янги омонат турлари ҳам жорий этилган. Жумладан, жорий йилнинг 1 январь ҳолатига биргина омонат қолдиғи 503 миллион 700 минг сўмдан иборат. Шундан муддатли ва жамғарилиб борувчи омонат турларидаги маблағ 357 миллион сўмдан кўпроқни ташкил этади. Омонат қолдиғининг йил бошига нисбатан 115.2 миллион сўмга етгани эса аҳолининг мазкур банк филиалига бўлган ишончининг тобора ортиб бораётганидан далолат беради.

— Бизда ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш, қишлоқда янги иш ўринларини барпо этишни ихтиёр этган тадбиркорлар талайгина, — дейди филиал бошқарувчиси Дилором Умарова. — Масалан, "Муҳаммад-Мирзо" хусусий фирмаси 3 йил муддатга 55 миллион сўм кредит олиб, айни пайтда 10 нафар нонвойни доимий иш билан банд этди.

Жорий йилда банк жамоаси мижозларга хизмат кўрсатиш савиясини бугунгидан ҳам ошириш ниятида меҳнат қилишмоқда.

Бир сўз билан айтганда, Давлат-акциядорлик тижорат "Халқ банки" Ғиждувон туман филиали ўз мижозларини молиявий қўллаб-қувватлаш билан юрт тараққиёти ва халқ фаровонлиги йўлида баракали хизмат қилаётир.

**Шавкат НОСИРОВ,**
**"Hurriyat" мухбири.** ®

*Ўз саёҳатингизни «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси билан бирга режалаштиринг!*

UZBEKISTAN airways



«Ўзбекистон ҳаво йўллари»
Миллий авиакомпанияси
20 февралдан 31 мартгача

**ЛОНДОН, ПАРИЖ, ФРАНКФУРТ, РИМ, МИЛАН, ЖЕНЕВАга**

қатновлар тарифини
17 фоизгача пасайтиради.

чегирма 17 %

Жадвал, жойларнинг мавжудлиги ва тарифлар тўғрисида маълумотлар - (998 71) 140 02 00.
www. uzairways. com

*«Ўзбекистон ҳаво йўллари» - хавфсизлик, мунтазамлик, қулайлик!*

# Очиқ акциядорлик тижорат банк «Пахтабанк» мижозлари диққатига!

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 августдаги «Банклардаги депозит ҳисобварақлардан нақд пул тўловларини узлуксиз таъминлаш кафолатлари тўғрисида» ги қарорига мувофиқ мижозларнинг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларини, депозит ҳисобварақларидаги маблағларини, аҳоли омонатларини нақд пулда бериш вақтида банк филиаллари ва минибанклари ходимлари томонидан қонунбузарликларга йўл қўйилган тақдирда ОАТБ «Пахтабанк» тизимида мавжуд бўлган қуйидаги «Ишонч телефонлари» мизга хабар беришингизни сўраймиз!**

| Т/Р | ОАТБ «Пахтабанк»нинг Бош офиси, вилоят бошқармалари ҳамда туман филиаллари | «Ишонч телефонлари» рақамлари |
|---|---|---|
| № | 1 | 2 |
| | **Бош офис** | **(8.371)150-53-59 150-85-15** |
| **1** | **Қорақалпоғистон (8.361) 222-35-31** | |
| 1 | Амалиёт бўлими | 780-00-64 |
| 2 | Кегейли | 412-12-90 |
| 3 | Шуманай | 346-22-51 |
| 4 | Қўнғирот | 312-34-84 |
| 5 | Мўйноқ | 322-12-91 |
| 6 | Окманғит | 425-54-36 |
| 7 | Тахтакўпир | 435-26-78 |
| 8 | Тўрткўл | 532-23-70 |
| 9 | Хўжайли | 554-17-15 |
| 10 | Чимбой | 444-00-08 |
| 11 | Беруний | 524-70-55 |
| 12 | Қонликўл | 332-11-34 |
| 13 | Қораўзак | 465-51-23 |
| 14 | Бўстон | 585-17-10 |
| 15 | Тахиатош | 572-26-14 |
| 16 | Манғит | 515-22-50 |
| **2** | **Андижон (8.374)** | **224-39-48** |
| 17 | Амалиёт бўлими | 224-31-20 |
| 18 | Асака | 233-13-77 |
| 19 | Қорасув | 795-21-43 |
| 20 | Пахтаобод | 711-11-61 |
| 21 | Марҳамат | 391-16-98 |
| 22 | Шаҳрихон | 342-10-54 |
| 23 | Охунбобоев | 755-24-97 |
| 24 | Хўжаобод | 741-12-64 |
| 25 | Пойтуғ | 312-30-80 |
| 26 | Чинобод | 322-10-87 |
| 27 | Олтинкўл | 354-63-91 |
| 28 | Бўз | 333-10-98 |
| 29 | Оқолтин | 761-15-32 |
| 30 | Қўрғонтепа | 723-17-00 |
| 31 | Куйганёр | 373-14-96 |
| 32 | Булоқбоши | 773-26-41 |
| 33 | Балиқчи | 323-22-06 |
| **3** | **Бухоро (8.365)** | **223-02-90** |
| 34 | Амалиёт бўлими | 770-02-89 |
| 35 | Олот | 342-15-00 |
| 36 | Вобкент | 332-14-66 |
| 37 | Ғиждувон | 572-17-93 |
| 38 | Шофиркон | 502-31-64 |
| 39 | Қоракўл | 565-12-66 |
| 40 | Ромитан | 552-10-31 |
| 41 | Жондор | 582-14-01 |
| 42 | Гала-Осиё | 542-54-45 |
| 43 | Янгибозор | 353-27-50 |
| 44 | Қоровулбозор | 364-13-88 |
| **4** | **Жиззах (8.372)** | **226-33-42** |
| 45 | Учтепа | 342-11-01 |
| 46 | Арнасой | 372-13-25 |
| 47 | Зарбдор | 492-27-34 |
| 48 | Банк жараёнлари бўлими | 226-33-40 |
| 49 | Пахтакор | 353-15-26 |
| 50 | Ғаллаорол | 492-11-37 |
| 51 | Дўстлик | 335-48-95 |
| 52 | Мирзачўл | 312-22-52 |
| 53 | Зомин | 392-10-57 |
| 54 | Бахмал | 412-16-74 |
| 55 | Фориш | 452-13-54 |
| 56 | Зафаробод | 472-22-55 |
| **5** | **Қашқадарё (8.375)** | **771-05-47** |
| 57 | Амалиёт бўлими | 771-15-80 |
| 58 | Бешкент | 771-17-27 |
| 59 | Ғузор | (255) 21-153 |
| 60 | Деҳқонобод | (261) 22-415 |
| 61 | Қамаши | (253) 24-850 |
| 62 | Косон | (259) 21-167 |
| 63 | Шаҳрисабз | (252) 27-360 |
| 64 | Чироқчи | (256) 21-650 |
| 65 | Яккабоғ | (258) 24-560 |
| 66 | Китоб | (254) 27-756 |
| 67 | Муғлон | (264) 51-231 |
| 68 | Янги Нишон | (251) 21-472 |
| 69 | Батош | 223-15-89 |
| 70 | Янги Миришкор | (265) 21-434 |
| 71 | Муборак | (267) 23-615 |
| 72 | Помуғ | (262) 25-141 |
| **6** | **Навоий (8.436)** | **770-35-39** |
| 73 | Амалиёт бўлими | 770-35-41 |
| 74 | Конимех | 512-14-41 |
| 75 | Кармана | 532-37-00 |
| 76 | Қизилтепа | 555-38-08 |
| 77 | Нурота | 523-19-03 |
| 78 | Кескентерак | 770-35-66 |
| 79 | Томдибулоқ | 770-35-63 |
| 80 | Янгиработ | 770-35-70 |
| **7** | **Наманган (8.369)** | **223-18-99** |
| 81 | Жумашуй | 452-13-78 |
| 82 | Косонсой | 652-14-87 |
| 83 | Ҳаққулобод | 612-14-49 |
| 84 | Поп | 433-13-03 |
| 85 | Тўрақўрғон | 442-34-37 |
| 86 | Уйчи | 482-12-73 |
| 87 | Учқўрғон | 462-12-77 |
| 88 | Чуст | 423-26-34 |
| 89 | Янгиқўрғон | 632-11-31 |
| 90 | Тошбулоқ | 472-11-36 |
| 91 | Чортоқ | 412-46-71 |
| 92 | Амалиёт бўлими | 223-18-92 |
| 93 | Давлатобод | 232-13-04 |
| **8** | **Самарқанд (8.366)** | **231-05-12** |
| 94 | Лоиш | 492-51-37 |
| 95 | Оқтош | 432-19-31 |
| 96 | Жомбой | 475-22-81 |
| 97 | Жума | 465-10-70 |
| 98 | Пайшанба | 414-13-87 |
| 99 | Амалиёт бўлими | 210-02-30 |
| 100 | Сиёб | 231-06-74 |
| 101 | Нуробод | 633-17-67 |
| 102 | Пайариқ | 425-11-38 |
| 103 | Зиёвуддин | 403-10-65 |
| 104 | Ургут | 483-02-40 |
| 105 | Гўзалкент | 462-11-80 |
| 106 | Иштихон | 629-11-30 |
| 107 | Қўшработ | 646-12-97 |
| 108 | Каттақўрғон | 456-40-52 |
| 109 | Челак | 672-11-63 |
| 110 | Гулобод | 500-81-91 |
| 111 | Булунғур | 442-22-10 |
| 112 | Тойлоқ | 666-54-54 |
| **9** | **Сурхондарё (8.376)** | **770-81-15** |
| 113 | Амалиёт бўлими | 770-81-32 |
| 114 | Бойсун | 770-80-14 |
| 115 | Денов | 770-80-05 |
| 116 | Жарқўрғон | 770-80-04 |
| 117 | Музробод | 770-80-09 |
| 118 | Шеробод | 770-80-16 |
| 119 | Шўрчи | 770-80-15 |
| 120 | Узун | 770-80-06 |
| 121 | Ангор | 770-80-02 |
| 122 | Янгийўл | 770-80-18 |
| 123 | Қумқўрғон | 770-80-17 |
| 124 | Учқизил | 770-80-01 |
| 125 | Қарлуқ | 770-80-19 |
| 126 | Сариосиё | 770-80-07 |
| 127 | Бандихон | 770-80-03 |
| **10** | **Сирдарё (8.367)** | **225-05-92** |
| 128 | Амалиёт бўлими | 225-03-89 |
| 129 | Пахтаобод | 344-13-96 |
| 130 | Сирдарё | 357-13-91 |
| 131 | Янгиер | 372-37-51 |
| 132 | Меҳнатобод | 395-24-02 |
| 133 | Боёвут | 262-15-60 |
| 134 | Ширин | 364-33-93 |
| 135 | Деҳқонобод | 796-20-26 |
| 136 | Сайхунобод | 333-24-82 |
| 137 | Сардоба | 243-12-57 |
| 138 | Наврўз | 241-17-05 |
| 139 | Фарҳод | 225-18-75 |
| **11** | **Тошкент (8.370)** | **244-32-95** |
| 140 | Амалиёт бўлими | 150-54-05 |
| 141 | Оққўрғон | 150-54-24 |
| 142 | Бўка | 150-54-25 |
| 143 | Зафаробод | 150-54-28 |
| 144 | Пскент | 150-54-30 |
| 145 | Дўстобод (Қуйи Чирчиқ) | 150-54-33 |
| 146 | Чиноз | 150-54-37 |
| 147 | Тўй-тепа | 150-54-34 |
| 148 | Янгибозор (Юқори Чирчиқ) | 150-54-39 |
| 149 | Паркент | 150-54-40 |
| 150 | Янгийўл | 150-54-43 |
| 151 | Гулбаҳор | 150-54-43 |
| 152 | Оҳангарон | 150-54-51 |
| **12** | **Фарғона (8.373)** | **224-28-61** |
| 153 | Қўқон | 552-66-25 |
| 154 | Марғилон | 233-44-65 |
| 156 | Қувасой | 373-23-27 |
| 157 | Бешариқ | 612-15-80 |
| 158 | Боғдод | 479-15-03 |
| 159 | Янгиқўрғон | 529-12-63 |
| 160 | Данғара | 572-17-43 |
| 161 | Ёзёвон | 412-15-72 |
| 162 | Қува | 315-10-52 |
| 163 | Олтиариқ | 432-14-05 |
| 164 | Риштон | 452-35-59 |
| 165 | Қорақушчи | 425-12-37 |
| 166 | Сўх | 462-54-02 |
| 167 | Тошлоқ | 238-46-46 |
| 168 | Яйпан | 539-31-31 |
| 169 | Учкўприк | 515-12-97 |
| 170 | Водил | 352-14-02 |
| 171 | Фурқат | 549-18-46 |
| 172 | Амалиёт бўлими | 224-79-79 |
| **13** | **Хоразм (8.362)** | **770-56-81** |
| 173 | Гурлан | 365-12-71 |
| 174 | Боғот | 770-57-10 |
| 175 | Ҳазорасп | 332-19-41 |
| 176 | Хонқа | 770-57-14 |
| 177 | Хива | 770-57-17 |
| 178 | Янгиариқ | 358-61-94 |
| 179 | Қўшкўпир | 329-21-88 |
| 180 | Шовот | 770-57-27 |
| 181 | Қоравул | 352-10-76 |
| 182 | Питнак | 305-40-05 |
| 183 | Янгибозор | 770-57-32 |
| **14** | **Тошкент шаҳри** | **(8.371)** |
| 184 | Чилонзор | 277-13-08 |
| 185 | Бектемир | 295-02-27 |
| **186** | **Бош офиснинг банк амалиётлари бошқармаси** | **150-53-68** |


МЕРОС

# Хароботийнинг уйғоқ сўзлари

*Ўзбек халқи жаҳонга не-не забардаст алломаларни, шоиру фузалоларни етиштириб бермаган. Даврлар ўзгариб, айрим номлар тарих саҳифалари ичра яширинган бўлса, бошқалари мозий қирғин баротларида буткул унутилиб кетган. Лекин юрт тараққиётига улкан хизмати синган заҳматкаш инсонларнинг қилган ишлари, ижодий мероси халқ хотирасида абадий муҳрланиб, замонлар ўтиши билан яна қалқиб юзага чиқавераркан. Абдуқаййум Махсум Хайробод (Хароботий ҳазратлари — "Хайробод эшон") ҳам шундай улуғ зотлардан бири эди.*

Мавлоно Хароботий XVII асрнинг иккинчи ярмида Тошкентда таваллуд топган машҳур файласуф шоир ва мутасаввуф олимдир. Унинг бизгача етиб келган "Куллиёт", "Маснавийи Хароботий" ва "Рисолаи фақриййа" асарларида шариатнинг фиқҳга оид масалалари, тасаввуфнинг асосий қоидалари, одоб-ахлоқ ҳамда ҳаётга нисбатан бўлган фалсафий муносабатлари маснавий усулида баён этилган ва комил инсонни тарбиялаш йўлида хизмат қилган. 1917 йилгача Марказий Осиёда Хароботийнинг қўлёзма ва босма асарлари кенг тарқалган бўлса-да, бироқ, ҳаёти ва мероси ҳақида ҳеч қандай мақола эълон қилинмаган. Тошкентда тошбосма усулда етти марта чоп этилган китобларда ҳам, қўлёзма ҳолидаги манбаларда ҳам шоир ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳеч қандай маълумот илова қилинмаган. Унинг таржимаи ҳоли ҳақида пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги Хайробод маҳалласида истиқомат қилаётган авлодлари баён қилган маълумотларга суяниб хулоса қилиш мумкин, холос.



Хароботий "Куллиёт"нинг муқоваси

Хароботий Тошкентдаги илм-маърифат ва диний камолот устуни бўлган Кўкалдош мадрасасида таҳсил олади. Мударрис мақомига эришгач, ўзи ҳам мадрасада халфаларга устозлик қилган. Бир неча йил фаолият юритгандан сўнг муборак фарзни адо этиш мақсадида ҳаж сафарига отланган. Макка ва Мадинани зиёрат этиб, ҳаж амалларини мукаммал адо этгач, Миср мамлакатига йўл олади. У ерда нафақат ўша даврнинг, балки ислом дунёсининг диний-маданий маскани дея эътироф этилувчи ал-Азҳар дорилфунунида диний ва дунёвий илмларни мукаммал эгаллаш мақсадида муттасил мутолаага берилади. Дорилфунуннинг комил толиби илмларидан бирига айланган Абдуқаййум Махсум ўз мақсадига эришганини англагач, 25 йилдан сўнг юртга қайтишга қарор қилади. Тошкентга қайтишида уларнинг оиласида янги чақалоқ дунёга келади. Туғилган фарзанд Сириянинг Шом шаҳрида таваллуд топгани учун унга Шомусофир деб исм қўйишади. Оғиздан-оғизга ўтиб келаётган ривоятларга кўра, Хайробод эшонни ҳозирги Чиноз атрофидаги қўрғонда Тошкент ҳокими кутиб олиб, унга ўзи хоҳлаган жойни макон қилиши мумкинлигини ҳурмат изҳори сифатида айтиб ўтади. Шунда Хароботий Макка-ю Мадинадан чўкмасдан келаётган оқ туя қаерда чўкса, ўша жойни танлашга аҳд этади. Туя юриб-юриб ҳозирги Хайробод маҳалласи ҳудудидаги тепалик ёнига чўкади. Хароботий шу ерни ўзига макон тутиб, такягоҳ қуради. Бир қанча муддат турли мадрасаларда толиби илмларга устозлик қилади. Кейин Қозон шаҳрига йўл олади. У ерда динни мустаҳкамлаш учун бош масжидда имом хатиб лавозимида хизмат қилиб, 10 йил мобайнида юксак обрў ва эътирофга мушарраф бўлади. Илм-маърифати, донишмандлиги билан донг таратиб, ўзи туғилиб ўсган юрти — Тошкентга қайтади. Солиҳ шогирди Саркорбойвачча бошчилигидаги элликдан зиёд оила ҳам устоз ёнида бўлмоқни шараф билиб, Тошкентга келади. Қозон шаҳридан ғишт ва бошқа бинокорлик материаллари келтирилиб, қозонлик усталар махсус чақиртирилади ва бу ерда ҳам Қозон шаҳридаги каби масжид, сағана ва бир неча хонали хонақоҳ қурилади.



Хароботий мақбараси

Ўрни келганда бир гапни айтиш жоиз. Хароботий ижодини ўрганиш биздан анча аввал Хитойнинг Шинжон шаҳрида бошланган. 1980 йилда уйғур олими Азиз Собит томонидан бир қанча мақолалар эълон қилиниб, 1986 йилда эса "Маснавийи Хароботий"нинг қисқартирилган нусхаси китоб ҳолида нашр этилади. Бошқа уйғур олимларнинг мақолаларида эса Хароботий уйғур шоири сифатида талқин қилинган. 2003 йил 15 ноябрда уйғур олими Ҳурматжон Абдураҳмон Тошкентда "Уйғур шоири Хароботий ва унинг адабий мероси" мавзуида номзодлик диссертациясини ҳам ёқлайди. Олимнинг ёзишича, Хароботийнинг қабри Шинжонда бўлиб, унинг исми Муҳаммад ибн Абдуллоҳдир. Бироқ, Хароботий Тошкентда яшагани ва унинг қабри ҳозирги Қатортол кўчасида экани аниқ. Хароботий ўзининг "Маснавийи Хароботий"сида ҳам Шош шаҳрини тилга олади. Жумладан:

*Ўзини билмаган илму кулдир,*
*эй қуёш,*
*Тутқойсиз хуш,*
*эй муллойи шош, —*

деб, ўзини шошлик мулла деб атайди. Бу байтдан ҳам Хароботийнинг Тошкентда яшагани ва шу ерда нашъу намо топганини англаш қийин эмас. Бундан ташқари, Хароботий авлодларининг қўлида сақланаётган Хароботий масжидига қарашли вақф ҳужжатида ҳам Абдуқаййум Хароботий ва унинг фарзанди тилга олинади.

Яна бир баҳсли масала — Ҳурматжон Абдураҳмон шоирнинг ижодини ўрганар экан, унинг "Куллиёт" ҳамда "Маснавийи Хароботий"си аслида битта асар бўлиб, кейинчалик иккига бўлиниб кетганини таъкидлайди. Аслида эса у иккита мустақил асардир.

Ўзбекистонда Хароботий ижодига мурожаат қилиш 2005 йилдан бошланди. Маълумки, тасаввуфда суҳравардия, кубравия, қодирия, яссавия, чиштия, нақшбандия каби тариқатлар ва уларнинг кўплаб оқимлари бўлган. Хароботия ҳам тасаввуфдаги оқимлардан бири бўлиб, унинг йўли ва услуби ғоят оғирлигидан тарафдорлари кам бўлган. Харобот сўзининг таркибига келадиган бўлсак, хароб сўзи харобликни, от эса араб тилидаги кўплик шаклини билдиради. Демак, харобот атамаси харобалар маъносидадир. Истилоҳий маъноси эса "Бурҳони қотиъ" луғатида шаробхона ва бўзахона маъноларини ифодалайди. "Ғиёс ул-луғат"да ҳам майхонани билдиради, дейилган.

Аллоҳ ишқида маст бўлиб, Аллоҳдан ўзгани ўйламайдиган сўфийлар ўзларини хароботий деб билганлар. Абдуқаййум эшон хароботия оқимининг ашаддий тарғиботчиси бўлиб, Хароботий лақабини олса-да, вақт ўтиши билан унинг ҳаётида нақшбандия тариқати устунлик қилган. Аввалига у касб билан шуғулланмаслик, ободончиликка интилишдан воз кечишга чақирган бўлса, кейинчалик илмга интилиш, бирон касбнинг бошини тутиш, қариндошларга меҳрибонлик қилиш, олимларни ҳурматлаш, илмнинг фазилати, ҳозиқ табибнинг хислати, хайру эҳсоннинг фазилатини улуғлаш каби нақшбандия тариқати қоидалари унинг ижодида акс эта бошлайди. У "Рисолаи фақриййа"да хожагонлар тариқати ва нақшбандиянинг қоидаларидан ҳисобланган "Назар дар қадам", "Сафар дар ватан", "Хилват дар анжуман" каби тамойилларга амал қилишга чақиради.

Ёшликдан илмга, бадиий сўз нафосатига интилиб яшаган Абдуқаййум Махсум ўз замонасининг илм-маърифат тарқатувчи собит зиёли уламоларидан бири бўлиш баробарида қалам аҳли орасида ҳам, оддий халқ орасида ҳам сўз санъаткори сифатида бирдек ардоқланган. Хароботий ҳазратлари қаламидан яралган пурмаъно байтларнинг мазмунини теран мушоҳада қилган одам унинг ботиний моҳиятини, тараннум этган эзгу ғояларини ички туйғу билан илғаши мумкин. Хароботийнинг "Маснавийи Хароботий" китобини ўқир эканмиз, энди у тамоман мавлавия тариқати аъзосига айланиб қолганини кўрамиз. "Маснавийи Хароботий"да у Жалолиддин Румийнинг кўплаб байтларини ўзбек тилига таржима қилиб, ўзининг бу байтлардан олган таассуротларини ҳам шеърга солади. Натижада у халқ орасида "Мавлоно Румийнинг маънавий фарзанди" деган рутбага сазовор бўлади.

Хароботий асарларида ҳаётнинг кўплаб соҳаларига оид фикрларни кўриш мумкин. Жумладан, "Куллиёт"нинг "Солиҳ ва мунофиқ ҳақида" фаслида инсонларни солиҳ бўлишга чақирар экан, ваъдасида турмайдиган, бировларнинг омонатига хиёнат қиладиган кишилардан иложи борича қочишга даъват этади. "Нафсингни ўлдир, уни қатл қил", — деб инсонларга тўғри йўлни кўрсатади, нафсга "ҳийланинг устозидур" деб баҳо беради. Яна бир жойда нафсни одамлар устидан ягона ҳукмрон бўлишни истаган подшоҳга, қалбни эса қалъага ўхшатади. Хароботий илмсизликни ҳам қаттиқ қоралаб, жаллодга илм ўргатсанг, ҳар бир одамни дорга осади, деб ёзади. Маълумки, Мансур Ҳаллож "Анал-Ҳақ" деган сўзи учун илми яхши бўлмаган, сўзнинг маъносини тушунмаган калтафаҳм кишилар томонидан дорга осилган. Хароботий ёзади: "Эй биродар, огоҳ бўлгинки, ҳар нарсаики олами улвийдиндур, жонни тарбият қилур ва ул нима нарсаики олами суфлийдиндур, танни тарбият қилур. Шу сабабдан, жон афлокий (осмоний) ва жисм ҳокийдурки, ҳар қайсиси ўз аслини тарбият қилур. Эй биродар таннинг қувватига мағрур бўлма, ким таннинг қувватига мағрур бўлса, бу дунёдин ғурур билан кетар".

Олтин занглмаслиги қанчалик ҳақиқат бўлса, юқоридаги сўзлар ҳам вақтнинг бешафқат зарбаларига бардош бериб, ўз қадрини заррача йўқотмаслиги шунчалар рост. Бу уйғоқ сўзлар, сатрида дунё маҳзани яширин қайноқ байтлар асрлар каҳкашонида биз авлодларни такрор ва такрор яхши инсон бўлишга, Ватан, жамият равнақи йўлида фидокорлик билан меҳнат қилишга, ёр-у, биродарларимизга меҳр-муҳаббатли бўлишга даъват этиб тураверади.

**Маҳмуд ҲАСАНИЙ,**
**тарих фанлари доктори.**

